

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 20 (1344) • 2020 йил 19 май

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

Аудиторлик хулосаси
кимга ва нима учун
керак?

2-3-бетлар

Ўриндошга
Моддий Ёрдам

Бундай ёрдамга
ижтимоий солиқ
солинадими?

4-бет

Қонун ҳужжатларида
қандай янгиликлар
бор?

5-10-бетлар

Устав фондини
камайтириш
бухгалтерияда
қандай акс эттирилади?

11-бет

Айланма маблағ
етишмаганда қандай
йўл тутилади?

12-13-бетлар

Тилга эътибор –
элга эътибор

15-бет

БАРЧА САНИТАРИЯ
НОРМАЛАРИ
БАЖМАЛАНДИ

Посилкаларни олиш
мумкин бўлади

16-бет

ПАНДЕМИЯ ДАВРИ:

ТАДБИРКОРЛАР ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 13 май куни карантин талабларини хушёрликни оширган ҳолда янада юмшатиш, иқтисодий тармоқларини босқичма-босқич ишлатиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Йиғилишда пандемияга қарши курашиш ва карантин шароитида аҳолини ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш масалалари кўтарилди. Президент пандемия шароитида тадбиркорлар ва аҳолини қўллаб-қувватлаш аввалги берилган имтиёзлар билан чекланмаслигини ва у давом эттирилишини таъкидлади.

Биринчидан, кичик бизнес ва фермер хўжаликларига ижтимоий солиқ ставкаси май-июль ойларида 12%дан 1%га туширилади.

Иккинчидан, кичик бизнес вакиллари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар келгуси 3 ой давомида ер ва мол-мулк солигидан озод этилади.

Учинчидан, тадбиркорларга божхона тўловларини 120 кунгача кечиктириб тўлашга рухсат берилди.

Тўртинчидан, эҳтиёжманд оилаларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақа олувчи оилалар сони кўшимча 70 минггага ёки 10%га қўлайтирилиб, бюджетдан яна 200 миллиард сўм ажратилади.

Бешинчидан, илгари ставкаси 22%гача бўлган инвестиция кредитлари бўйича фоизлар қисман давлат томонидан қоплаб берилган бўлса, энди ставкаси 26%гача бўлган кредитларнинг фоизлари

ҳам қисман қоплаб берилди. Шунингдек, тадбиркорларга айланма маблағларини тўлдириш учун 500 млрд сўмгача (илгари – 10 млрд сўмгача) берилган кредитлар бўйича компенсация миқдори 5%дан 10%гача оширилади.

Олтинчидан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида жорий қилинган аҳолига яқка тартибда уй-жой куриш ва таъмирлаш учун кредит бериш тажрибаси Тошкент шаҳрида ҳам татиб қилинди. Шу орқали пойтахтда қарийб 10 мингта мавсумий иш ўринлари яратилади.

Еттинчидан, маҳаллий корхоналарнинг махсулотига нисбатан ички талабни ошириш ва шу орқали уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ташкилотларига III-IV чоракдаги харидларини II чоракда амалга ошириш ҳукуки берилди.

Умуман, иқтисодий ва фуқароларни янада қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан кўшимча 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Йиғилишда мамлакатимиздаги эпидемиологик вазият ҳамда карантин талабларини янада юмшатиш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, «яшил» ва «сарик» ҳудудларда санитария-гигиена

талабларига қатъий амал қилган ҳолда хизмат кўрсатиш турларига босқичма-босқич рухсат бериш мумкинлиги белгиланди.

Олис ҳудудларнинг пойтахтимиз билан транспорт алоқасини тиклаш жуда долзарб масала бўлиб турибди. Тошкент шаҳридан Нукус, Урганч, Термиз шаҳарларига авиақатновларни тиклаш, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қарши шаҳарларига «Афросиёб» тезюрар поезди ҳамда Фарғона водийсига поезд катновини қайта йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, шаҳарлар ичида шахсий автомобиллар ҳаракати бўйича чекловларни бекор қилиш масаласи ўрганилмоқда.

Аҳоли, айниқса, пенсионерларнинг муурожаатларини ҳисобга олиб, иш ҳақи, нафақа ва пенсияларни, карантин қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда, нақд пулда тарқатилиши белгиланди.

Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (12.05.2020 йилдаги 4710-сон) қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан Бош вазирга янги вазифалар юклатилди, унинг ўринбосарлари ўртасида ҳам вазифалар қайта тақсимланди. Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди.

ЎЗА материал асосида.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ ЎТИШ МАҚСАДИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.2020 йилдаги 281-сон қарори билан Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ҳужжат билан жисмоний шахслар томонидан республика божхона чегаралари орқали товарларни олиб ўтиш мақсади товар хусусияти, миқдори ва олиб ўтиш такрорийлигидан келиб чиққан ҳолда божхона органининг мансабдор шахси томонидан аниқланиши белгиланган.

Ҳужжатга мувофиқ:

- жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган шахсий, оилавий (ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари) эҳтиёжлари учун мўлжалланган ҳамда тадбиркорлик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган товарлар шахсий эҳтиёжлар учун товарлар жумласига киритилади (Рўйхат 7.11.2019 йилдаги ПҚ-4508-сон қарор билан тасдиқланган).

- божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган

ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ёки бошқа тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарлар тижорат мақсадлари учун товарлар жумласига киритилади.

Божхона органининг мансабдор шахси томонидан товарни олиб ўтиш мақсади тўғрисида қарор қабул қилишда қуйида келтирилган мезонларга асосланилади.

1. Чегара божхона пости орқали товарларни олиб ўтишда:

- товар хусусияти – товарларнинг истеъмол хусусиятлари, унинг тижорат мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган, шахсларнинг шахсий, оилавий ва маиший эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланганлиги инobatга олинади;

- бир турдаги (бир номдаги, бир ўлчамдаги, бир шакл ҳамда рангдаги) товарларнинг миқдо-



ри. Товарларни олиб ўтаётган жисмоний шахс ва унинг оила аъзолари эҳтиёжларидан ортиқ миқдордаги товарлар тижорат мақсадида фойдаланиш учун олиб киритилмайдиган товарлар деб эътироф этилади;

- товарларни олиб ўтишнинг такрорийлиги – айти бир шахс томонидан бир турдаги товарларнинг оз миқдорда бўлсада, бир неча бор олиб киритилишига, агар товарларни олиб ўтаётган шахс аксини исботлаб бермаса, тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун товарларни олиб кириш деб эътироф этилади. Чегара хизмати органлари томонидан фуқаролик паспортига қўйилмайдиган белги республика чегарасидан ўтказиш пунктидан ўтиш

2-бетда

ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ ЎТИШ МАҚСАДИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ

1-бетда

такрорийлигини аниқлаш учун асос ҳисобланади;

- сафарнинг ҳолатлари – сафарнинг мақсади ва давомийлиги, келиш давлати инobatта олинади;
- ҳуқуқ-тартибот органларидан товарлар ва уларни олиб ўтаётган шахслар тўғрисида келиб тушган маълумотларнинг мавжудлиги ҳисобга олинади.

Шунингдек оила таркиби, шахснинг кўрсатиб ўтилган товар турларига эҳтиёжи ва олиб ўтиладиган товарлар турлари ҳам инobatта олинади.

2. Халқаро почта ва халқаро курьерлик жўнатмалари орқали, шу жумладан хорижий давлатларнинг интернет-дўконларида харид қилинган товарларни олиб ўтишда куйидагилар инobatта олинади:

- ХПЖ ва ХКЖ олувчининг ёши унинг манзилига жўнатилган товарларнинг хусусиятлари билан мувофиқлиги;
- бир манзил бўйича яшовчи бир ёки бир неча жисмоний

шахс томонидан олиб ўтиладиган бир хил турдаги товарларни олиб ўтишнинг такрорийлиги;

- декларацияда кўрсатилган товарларни қабул қилувчи манзилнинг жисмоний шахс ҳақиқатда рўйхатдан ўтган жойи билан фарқлиғи.

Жисмоний шахслар томонидан олиб ўтилаётган боғжона тўловлари ундирилмайдиган ва тадбиркорлик ёки бошқа тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган товарлар республикага олиб киришнинг чекланган меъёрларидан ортганда, чекланган меъёрлардан ортик қисмига нисбатан боғжона тўлови ундирилади.

Боғжона тўловлари ундирилмайдиган айрим турдаги товарлар олиб ўтилганда, уларнинг миқдори олиб кириш меъёрларидан ортган тақдирда, уларга нисбатан боғжона қонун ҳужжатларида белгиланган боғжона расмийлаштирувнинг умумий қодалари олиб ўтилаётган товарларнинг умумий миқдорига нисбатан қўлланилади.

Маълумот учун:

- *Боғжона тўловлари таъминлайдиган республикага жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган товарларни айрим турлари нормалари Президентнинг 6.02.2018 йилдаги ПҚ-3512-сон қарори билан тасдиқланган.*
- *Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг автойўли (йўловчи), темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали боғжона тўловлари ундирилмайдиган айрим товарларни олиб ўтишнинг миқдор нормалари Вазирлар Маҳкамасининг 22.06.2018 йилдаги 463-сон қарори билан тасдиқланган.*

Республика боғжона ҳудудига кузатиб борилаётган ва кузатиб борилмаётган бағажларда шахсий эҳтиёжлар учун бўлган товарларнинг олиб кириш чекланган нормалари илгари фойдаланишда бўлган шахсий эҳтиёжлар учун мўлжалланган товарларни ҳисобга олманган ҳолда куйидаги мезонлар асосида аниқланади:

- эскириш, қирилиш, букилиш ва бошқа ишлатилганлик белгилари мавжудлиги;
- бирқалар, ёрликлар, ишлаб чиқарувчи ўрови йўқлиги;
- товарларни олати тартибда фойдаланиш учун етарли бўлган даражада битта ёки бошқа миқдорда, шу жумладан мавсумийлигини, саёҳат мақсадини, транспорт

турини, йўналиш давомида ёки етиб бориш манзилида объекти заруратлиги ва бошқалар.

Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарлар «яшил» йўлак орқали олиб ўтилишининг қонунийлиги назорати боғжона органларининг мансабдор шахслари томонидан танлов асосида ва ушбу Низомда белгиланган шартларга риоя этилмаган ҳолларда амалга оширилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 14.08.2020 йилдан кучга киради.

Эльмира СИРАЗИЕВА.

Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 14.05.2020 йилда 3232-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Солиқ тўловчиларни ҚҚС тўловчилар сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Янгиликни «Norma» компаниясининг етакчи эксперти Жорил-ла АБДУЛЛАЕВ тушунтирди:

ҚҚС ТЎЛОВЧИЛАР ЯГОНА РЕЕСТРИГА ҚАНДАЙ КИРИШ МУМКИН

ҚҚС тўловчилар сифатида рўйхатдан ўтказиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- 1) хўжалик юритувчи субъект ариза тақдим этади;
- 2) ариза солиқ органи томонидан кўриб чиқилади;

Ихтиёрий ва мажбурий рўйхатдан ўтказиш

Рўйхатдан ўтказиш ихтиёрий ва мажбурий бўлиши мумкин.

Куйидагилар мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилади:

- ҚҚС тўловчилар (СК 337-м.);
- СКнинг 461-моддаси 2-қисмида белгиланган субъектлар, жумладан:
- ЎЗРнинг боғжона чегараси орқали товарларни олиб киришни (импортни) амалга оширувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;
- акциз солиғи тўланадиган товарларни (хизматларни) ишлаб чиқарувчи ва фойдали қазилмаларни қавлаб олишни амалга оширувчи юридик шахслар;
- юридик шахслар – қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари – башарти уларда 50 га ва ундан ортик суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони мавжуд бўлса;
- бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар;
- лотереялар ташкилотчилари бўлган юридик шахслар;

3) солиқ тўловчи ДСҚнинг Ягона реестрида рўйхатдан ўтказилади;

4) ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга қўйилганлиги ҳақида далолат берувчи электрон рўйхатдан ўтиш гувоҳномаси берилади.

- оддий ширкат ишларини юритиш ўз зиммасига юклатилган ишончли шахс – оддий ширкат шартномаси доирасида амалга оширилаётган фаолият бўйича;
- бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган ишоотлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдори бўлган юридик шахслар, улардан самарасиз фойдаланилаётганлиги бўйича қонунда белгиланган тартибда ҳулоса қиритилганда;
- марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектларни (жорий ва капитал таъмирлаш бундан мустасно) қуришни бажарувчи юридик шахслар.

Куйидагилар ихтиёрий рўйхатдан ўтишга ҳақли:

- янги ташкил этилаётган юридик шахслар;
- ҚҚС тўловчи ҳисобланмайдиган юридик шахслар;
- айланмаси 100 млн сўмдан ошган, лекин 1 млрд сўмга етмаган яқка тартибдаги тадбиркорлар.

Рўйхатдан ўтказиш таомили

Рўйхатдан ўтказиш таомили етарли ҳолда:

- 1) солиқ тўловчи ўзининг шахсий кабинети орқали у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ органига шахс ҚҚС тўлашга ўтиши керак бўлган ойнинг 5-санасидан кечиктирмасдан ариза тақдим этади;
- 2) солиқ органи аризани у келиб тушган кундан эътиборан 5 кун ичида кўриб чиқади ва уни ҚҚС тўловчи сифатида солиқ тўловчиларнинг ягона реестрига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади;
- 3) солиқ тўловчининг аризаси ва солиқ органининг қарори асосида ҚҚС тўловчи сифатида Ягона реестрга киритиш тўғрисида рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси расмийлаштирилади. Автоматик равишда рўйхат рақами берилди. Солиқ тўловчи ўзига берилган ҚҚС рўйхат рақамини ҳисобварақ-фак-

турада ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатда кўрсатиши шарт;

4) солиқ тўловчи Ягона реестрда рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб 1 иш кундан кечиктирмай ДСҚ солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон шаклдаги гувоҳномани юборди.

Шунингдек, Низомда солиқ тўловчиси ҚҚС тўловчи сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан чиқариш таомиллари ҳам акс эттирилган.

Низом ҚҚС тўловчиси рўйхат рақами берилган амалдаги ҚҚС тўловчиларини Ягона реестрга киритиш масалаларини белгиламайди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.05.2020 йилдан кучга кирган.

УШБУ СОНДА:

ДАВР НАФАСИ

– Пандемия даври: тадбиркорлар янада қўллаб-қувватланади **1-бет**

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Товарларни олиб ўтиш мақсади қандай аниқланади **1-2-бетлар**

– ҚҚС тўловчилар ягона реестрига қандай кириш мумкин **1-2-бетлар**

• **АУДИТ**
– Аудитор ишончли зона олсин **3-бет**

• **СОЛИҚ СОЛИШИ**
– Уриндошга моддий ёрдам
– Мевади боғлар учун солиқ
– ТМЗни текин беришнинг солиқ оқибатлари
– 2020 йилда ЭКИХ қўлланилмайдиган **4-бет**

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
– «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
– «2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
– «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

– «Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қондалари»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»

– «Давлат мулк объектларининг ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»

Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

– ЎЗР ДСҚнинг «Солиқ тўловчиларини қўйилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎЗР ДБК, МВ, Транспорт вазирлиги, МВ Бошқарувининг «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юқини, бағажини, валютасини ва валюта бой-ликларини боғжона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори **5-10-бетлар**

ЖАВОБ БERAМИЗ

– Вақиллик шартномаси бўйича айланмадан олинмаган солиқ

– МЧЖ устав фондини соф активлар қийматига-ча қамийтириш

– Амортизация: ҳисоблашдаги хатоларни тузатиш **11-бет**

• **БУХГАЛТЕРГА ТAVСИЯЛАР**

– Корхона айланма маблағларини қандай тўлдир-иш мумкин **12-13-бетлар**

• **БОЖХОНА**
– Темир йўл йўловчиси 1,5 дақиқада боғжона на-зоратдан ўтказилади

– Сирдарё экспортчилари
– Томирқорлардан самарали фойдаланишда

– Юксак минбарлардан янтраб тур, тилим
– Барча санитария нормалари бажариладиган
– Бир неча усулда хал этиш **14-16-бетлар**

Таҳрират аниқ хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белги-лангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахслар-га бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davry nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

АУДИТОР ИШОНЧНИ ҚОЗОНА ОЛСИН

Олий Мажлис ва профессионал доираларда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. Аудиторларнинг узлуксиз таълим олиши, уларнинг профессионал малакасини ҳар йили ошириб бориш масаласи мунозараларда катта баҳсларга сабаб бўлаётир.

Аудиторлик хулосаси: у кимга ва нима учун керак

Аудиторлик ташкилоти ҳисобот давридаги молиявий ҳисобот ва у билан боғлиқ молиявий ахборот бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келганлигини аниқлаш учун аудиторлик текширувини ўтказди. Мақсад – молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотнинг ишончлилиги хусусида аудиторлик ташкилотининг мустақил фикрини ифода эттиш.

Молиявий ахборотнинг ишончлилиги деганда молиявий ҳисобот маълумотларининг аниқлик ва ҳаққонийлик даражаси тушунилиб, улар асосида фойдаланувчилар аудиторлик хулосасига таянган ҳолда текшириладиган корхонанинг молиявий ҳолати ҳамда молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳолис хулосалар чиқариш имкониятига эга бўлиши лозим.

Бунда солиқ органлари, банклар,

суғурта ташкилотлари, маҳаллий ва хорижий инвесторлар ва бошқа субъектлар ана шундай ахборотдан фойдаланувчилар ҳисобланади. Улар молиявий ҳисоботнинг мол-мулк ёки соф активлар, корхонанинг мажбуриятлари ёки фойдаси, шунингдек тўланаётган дивиденд суммалари сингари кўрсаткичларнинг тўғрилиги борасидаги аудиторлик хулосаси асосида қарорлар қабул қилинади.

Агар аудиторлик хулосаси ижобий бўлса, молиявий ҳисобот ҳам ишончли бўлади. Хулоса салбий бўлган тақдирда – демак ҳисобот ишончсиз бўлиб чиқади ва бундай ҳисоботга таяниб бўлмайди. Шунинг учун аудиторлик хулосасига бўлган бундай катта аҳамиятни ҳисобга олган ҳолда аудиторларнинг профессионал тайёргарлиги ва малакасига жиддий эътибор қаратилади.

Сифатли аудит ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини кафолатлайди

У ҳақдаги маълумотлар ваколатли органнинг веб-сайтида жойлаштирилган аудиторларнинг реестрига киритилган, аудиторларнинг малака сертификатига эга бўлган шахс аудитор бўлиб ишлаш ҳуқуқига эгадир.

Малака сертификати – аудиторнинг малакасини тасдиқловчи ва унга аудиторлик ташкилоти таркибида аудиторлик хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат. Сертификат малака имтиҳони муваффақиятли топширилганда берилади. Бунинг учун аудиторнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, солиқ солиш ва ҳуқуқий тартибга солиш, бошқарув ҳисоби ва молиявий менежмент масалалари бўйича билимларга эга бўлиш лозим.

Сертификат, қўйлаётган талаблар бажарилган тақдирда кейинчалик унинг амал қилишини узайтирган ҳолда дастлаб 5 йиллик муддатга берилади. Бундай талаблардан бири бўлиб аудиторнинг профессионал малакасини ошириш ҳисобланади, бунда у малака ошириш курсларини тугатган бўлиши керак.

Аудиторлар малакасини ошириш курсларининг дастурини тартибга солувчи орган – Молия вазирлиги аудиторларнинг профессионал бирлашмалари билан келишган ҳолда тасдиқлайди. Дастур бор-йўғи 40 соатга мўлжалланган.

Малака ошириш курслари аудиторлар учун ўта зарурдир. Зеро, уларнинг профессионал малакасини белгиладиган билимлар соҳаси доимий ўзгаришларга учраб туради, бу, масалан, солиқ ёки божхонага оид қонунчилик билан боғлиқ соҳалардир. Бундан ташқари, аудит ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ҳар йили ўзгариб туради.

Халқаро бухгалтерлар федерацияси (ХБФ) томонидан тасдиқланган ва ҳар йили янгиланиб борадиган Халқа-

ро аудит стандартлари (ХАС) ва аудиторлар фаолиятининг Халқаро сифатни назорат қилиш стандарти (ХСНС) профессионал малака ошириб боришни рағбатлантиради.

Аудиторларнинг республика касбий бирлашмалари – Бухгалтерлар ва аудиторларнинг миллий уюшмаси ҳамда Аудиторлар палатаси ХБФнинг аъзоси бўлган ҳолда ушбу ташкилотнинг барча талабларига риоя қилишга интилади, бу орқали улар маҳаллий аудиторлик ташкилотлари томонидан бериладиган аудиторлик хулосаларининг халқаро даражада эътироф этилишини таъминлайдилар.

Халқаро бухгалтерлар федерацияси ХАС ва ХСНСдан ташқари, халқаро таълим стандартларини (ХТС) ҳам тасдиқлайди, уларда **ХБФ аъзолари бўлиш ташкилотлар учун мажбурий бўлган талаблар белгиланади.** Аъзоларнинг ҳаммалари ҳар бир профессионал бухгалтер ва аудитордан куйидагиларни талаб қилиши лозим:

- **ҳар бир циклик 3 йиллик давр давомида малака ошириш бўйича тегишли фаолиятга камида 120 соатни (ёки эквивалентдаги ўқув бирликларини) бағишлаган бўлиши, шундан 60 соати текширилган бўлиши лозим;**

- **ҳар бир йил давомида малака ошириш бўйича тегишли фаолиятга камида 20 соатни (ёки эквивалентдаги ўқув бирликларини) бағишлаган бўлиши лозим;**

- **юқорида кўрсатилган талабларни бажариш учун ўқув фаолиятининг ҳисобини юритган бўлиши керак.**

Бу улар томонидан бажарилаётган иш ва профессионал мажбуриятларга мувофиқ келувчи профессионал малакани қўллаб-қувватлаб туриш учун зарурдир.

Аудиторлик хулосалари ҳамда аудиторлик ташкилотлари фаолиятни амалга ошираётган мамлакат субъект-

ларнинг аудитор томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботларининг тўғрилиги ишонч даражасининг кўрсаткичи бўлиб ХБФ томонидан тасдиқланган ва ҳар йили янгиланиб борадиган халқаро стандартлар, хусусан, ХАС, ХСНС ва ХТСнинг бажарилиши ҳисобланади.

ХБФ талабларининг бажарилиши учун Европа Иттифоқи мамлакатлари томонидан **8-сонли Директива** тасдиқланган бўлиб, унда аудиторларнинг таълими, амалий тажрибаси ва маънавий-ахлоқий нормаларига нисбатан улар малакасини баҳолашнинг ягона методлари белгиланган. Аудитор молиявий ҳисоботларнинг белгиланган стандартлар ва воқеликнинг ҳаққоний ва ҳолис талабларига мувофиқлиги бўйича ўз хулосасини чи-

Касбий стандарт талабларига мувофиқ келмаганлик учун санкциялар

Профессионал малакани мажбурий тартибда ошириб бориш (ПММО) талабларига риоя қилиш учун ХБФ аъзолари бўлиш ташкилотлар куйидагиларни тизимли равишда амалга оширишлари лозим:

а) ХБФ жамоавий аъзосининг ПММОга нисбатан талаблари бухгалтер ва аудиторлар томонидан бажарилишини назорат қилиш;

б) кўрсатилган талабларга риоя қилмаганлик учун шунга мувофиқ миқдорларда жарималар белгилаш.

Бинобарин, қайд этиладики, ПММО бўйича ўз мажбуриятларини бажармаётган профессионал бухгалтерлар ва аудиторларни ўз вақтида уларни бажаришга мажбур этишган тақдирдагина мажбурий малака ошириш тизими жамият манфаатларига хизмат қилади ва янада самарали ишлайди. ХБФга аъзо ташкилотларга улар юрисдикциясидаги ҳуқуқий ва бошқа долзарб шароитларни ҳисобга олган ҳолда **кўрсатилган талабларга риоя қилмаган шахсларга юқланган санкция турларини белгилаш** тавсия этилади.

Санкциялардан бири сифатида ХБФга аъзо ташкилотлар профессионал малакасини ошириш тўғрисидаги талабларни бажармаган профессионал бухгалтер ва аудиторларни ташкилотдан чиқариб юбориш ёки уларни бухгалтерия ёхуд аудиторлик амалиётини олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум қилишдек ҳуқуқий ваколатга эга бўлишлари мумкин.

Европа Иттифоқи аъзолари бўлган давлатлар мақомга эга бўлган аудиторларнинг назарий билимлари, профессионал малакаси ва кадриятлари етарлича юқори даражада бўлишини қўллаб-қувватлаб туриш мақсадида уларнинг тегишли узлуксиз таълим дастурларида иштирокчи таъминлаши шарт. Бунда узлуксиз таълимга оид талабларга риоя қилмаганлик учун муайян санкциялар ҳам белгиланади (*8-сон Директиванинг 13-моддаси*).

Масалан, РФда аудиторларнинг ўзини ўзи бошқариш ташкилоти малака ошириш дастурлари бўйича аудиторларнинг ўқувини ташкил этади. Аудитор томонидан малака ошириш тўғрисидаги талабларга риоя этилмаган тақдирда малака аттестати бекор қилинади, бундан аудиторларнинг ўзини ўзи бошқариш ташкилоти аудиторлик фаолияти кенгашининг розилиги би-

қаради. Бунда корхонанинг фаолияти тўғрисидаги эълон қилинган маълумотларга киритилган барча ахборот молиявий ҳисоботларнинг ахбороти-га мувофиқ келиши керак.

Масалан, РФнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги федерал қонунига кўра, аудитор малака аттестатини олган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар календарь йил давомида ўзи аъзо бўлган аудиторларнинг ўзини ўзи бошқариш ташкилоти томонидан тасдиқланган малака ошириш дастурлари бўйича ўқувдан ўтиши шарт. Бундай таълимнинг энг кам муддати аъзолар учун аудиторларнинг ўзини ўзи бошқариш ташкилоти томонидан белгиланади ҳамда узлуксиз 3 календарь йили давомида камида 120 соат, лекин ҳар йили 20 соатдан кам бўлмаслиги керак (*РФнинг 26.11.2019 йилги тахрирдаги 307-сон ФҚнинг 11-моддаси*).

лан кўрсатилган талабларга риоя қилмаганликнинг узрли сабабини (масалан, оғир касаллик) эътироф этган ҳоллар мустасно.

Республикамизда Аудиторлар малакасини ошириш курслари дастури (*15.11.2019 йилдаги 163-сон қарор билан тасдиқланган*) мувофиқ ҳар йили 40 соатлик малака ошириш курсини тугатиш зарур, бу ХБФ талаб қилаётган 3 йил давомидаги 120 соатни ташкил этади. Аудитор белгиланган талабни писанд қилмаса ҳамда аудиторнинг малака сертификати амал қилишининг 5 йили мобайнида ваколатли органга 200 соатлик (40 соат х 5 йил) малака ошириш курсларини тугатгани тўғрисидаги сертификатни тақдим этмаса, бу аудиторга малака сертификатининг муддати узайтирилмаслиги мумкин.

Бу жиддий санкция ҳисобланади, сабаби 10 йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлган аудиторга муддатсиз сертификат берилади. Лекин муддатсиз сертификатни олгандан кейин ҳам аудитор ҳар йили аудиторларнинг профессионал бирлашмаларининг аккредитациядан ўтган ўқув марказларида 40 соатлик малака ошириш курсини тугатиши ҳамда ваколатли органга тегишли сертификатларни тақдим этиши керак бўлади.

Аудиторларнинг конференциялар, семинарлар, давра суҳбатларида иштирок этиши ва аудиторлик фаолияти учун долзарб масалалар муҳокама қилинадиган ҳамда тегишли сертификатлар бериладиган курсларни тугатиши заруратини ҳисобга олган ҳолда аудиторларнинг профессионал бирлашмалари бундай сертификатларни эътиборга олади. Бунда алоҳида бўлимлар бўйича соатлар миқдори ўзгариши мумкин, лекин у ҳар бир бўлимга белгиланган давомийликдан 15% кўпга ўзгарган бўлиши мумкин эмас. Мақала ошириш курси соатларининг умумий миқдори тасдиқланган давомийлик – 40 соатга мувофиқ келиши лозим.

Ўрнатилган талаблар бажарилмаган тақдирда, аудитор малака сертификатининг амал қилиши ваколатли органнинг веб-сайтида жойлаштирилган аудиторларнинг реестридан чиқариш орқали бекор қилинади.

Миновар ТЎЛАХЎЖАЕВА,
ЎЗР БАМУ Кенгашининг раиси.



ЎРИНДОШГА МОДДИЙ ЁРДАМ

? Раҳбарият ўриндошликда ишловчи ходимга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун моддий ёрдам пулини тўлашга қарор қилди. Бундай моддий ёрдам пулига ижтимоий солиқ солинадими?

– Йўқ, ўриндошлик асосида ишловчи ходимга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун тўланган моддий ёрдам пулига ижтимоий солиқ солинмайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун берилган моддий ёрдам жисмоний шахснинг бошқа даромадлари бўлиб ҳисобланади (СК 377-м., 10-б.).

Ижтимоий солиқ меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга солинади (СК 371-м., 403-м., 1-қ., 404-м., 1-қ.). Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари ижтимоий солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланмайди. Ушбу норма ходимга асосий иш жойидан ҳам, ўриндошлик асосида тўланган моддий ёрдамга ҳам тааллуқлидир.

МЕВАЛИ БОҒЛАР УЧУН СОЛИҚ

? Корхона майдони 5,07 га бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига эга, унинг балл бонитети – 51-60. Бу ер участкасига мевали дарахтлар экилган. Ер солиги ҳисоб-китоби 2020 йил 1 майга қадар тақдим этилиши лозим. Мевали боғ барпо этилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси учун ер солиги қандай ҳисобланади?

– СКнинг 428-моддаси 2-қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун ер участкасининг умумий майдони солиқ базаси ҳисобланади (СК 427-м. 1-қ.).

Мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун солиқ ставкалари мева-сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун 1 гектар учун мутлақ миқдорда белгиланади (СК 429-м. 2-қ.).

Корхонангизнинг айби билан қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет бали пасайган) тақдирда, солиқ ернинг сифати ёмонлашганига қадар мавжуд бўлган бонитет балидан келиб чиққан ҳолда тўланади (СК 429-м. 5-қ.).

Қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати яхшилانган тақдирда (бонитет бали ошганда), солиқ тупрок бонитировкаси ўтказилган йилдан кейинги йилнинг бошидан янги бонитет балидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив киймати бўйича, агротехник тадбирлар тугаган даврларда қайта ҳисоб-китоб қилинмасдан тўланади (СК 429-м. 6-қ.).

Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари (сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, тоқзорлар) билан банд қилинган ерлар учун мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ундириладиган ер солигининг базавий ставкалари ҳамда тузатиш коэффициентлари 9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 10-иловадаги 1 ва 2-жадвалларда келтирилган.

МИСОЛ. Мевали боғлар учун ер солиги ҳисоб-китоби Тошкент вилоятидаги майдони 5,07 га бўлган ер участкасининг балл бонитети – 51-60 (бу VI тоифа), коэффициент – 6,78.

Айтайлик, ер сугорилмайди, демак, – 1-тоифадаги ерлар учун базавий ставка 1 га учун 11 371,2 сўм балл-бонитетидан тузатиш коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда – 11 371,2 х 6,78.

Бир йил учун солиқ суммаси куйидагича ҳисобланади:
5,07 х 11 371,2 х 6,78 = 390 880,45 сўм.

ТМЗни ТЕКИН БЕРИШНИНГ СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

? Умумбелгиланган солиқларни тўлайдиган корхона 2020 йилнинг апрель ойида ТМЗни «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига беғараз берди. ТМЗни импорт қилишда ҚҚС тўланган ва ҳисобга олинган.

ТМЗни беғараз беришда қандай солиқ оқибатлари вуҷудга келади?

– 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар:

«Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига беғараз бериладиган:

- пул маблағлари ва товарлар (хизматлар)га фойда солигини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар сифатида қаралади;
- товарлар (хизматлар) ҚҚСдан озод қилинади ва айланмадан олинмаган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритилмайди (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон Фармон 1-б. «а» кичик банди).

Солиқ солиш мақсадида, табиатнинг ёки инсон фаолиятининг (шу жумладан интеллектуал фаолиятнинг) қиймат баҳосига эга бўлган ва реализация қилиш учун мўлжалланган ҳар қандай предмети товар деб эътироф этилади (СК 45-м. 1-қ.).

ТМЗни «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига беғараз бериш ҚҚС солишдан озод этилади, шу сабабли импорт қилишда улар бўйича тўланган ҚҚС ҳисобга олинмайди (СКнинг 267-м. 1-қ. 3-б.).

2020 ЙИЛДА ЭКИХ ҚЎЛЛАНИЛМАЙДИ

? 2019 йилда ЖШДС бўйича имтиёзлар йил бошидаги энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган. Қандай солиқлар бўйича имтиёزلарни ҳисоблаш йил бошидаги энг кам иш ҳақи миқдори қўлланилади?

– Бугунги кунда энг кам иш ҳақи миқдори тушунчаси мавжуд эмас. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб ЭКИХ ўрнига куйидагилар жорий этилган (21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 2-банди):

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори. МҲЭKM 1,0 тариф коэффициентини бўйича Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси биринчи разряди бўйича ойлик тариф ставкасининг пулдаги ифодасидир, белгиланган меҳнат нормаларини тўлиқ бажарган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг куйи чегараси сифатида барча иш берувчилар учун мажбурий ҳисобланади. Шунингдек меҳнат муносабатлари соҳасида лавозим маоши, устамалар, қўшимча ҳақ, гонорар, қўшимча иш учун компенсация тўловлари ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловларнинг бошқа турлари, шунингдек конунчиликда белгиланган ушланмалар, илгари энг кам иш ҳақига нисбатан белгилаб қўйилган бошқа тўловлар миқдорини аниқлашда ҳамда оилаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳимлиги ва ишсизлик бўйича нафақалар миқдорини аниқлашда қўлланилади;
- базавий ҳисоблаш миқдори. БҲМ солиқлар, йигимлар, жарималар, давлат божлари ва кўрсатилмаётган давлат хизматлари учун бошқа тўловларнинг миқдорларини аниқлашда қўлланилади. Шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун патент, лицензия ва бошқа тўловларнинг қий-

мати, ташкилотларнинг устав ва бошқа фондлари (капитали) миқдори, пулсиз шаклда тўланадиган акциялар, бошқа қимматли қоғозларнинг қиймати, юридик шахслар активларининг баланс қиймати, микрокредитлар ва лизинг, шунингдек бошқа молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг чекланган миқдорини аниқлашда қўлланилади;

• пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори. Ушбу миқдор пенсия таъминоти соҳасида пенсиялар, устамалар, қўшимча ҳақ ва компенсация тўловлари, шунингдек, ходимларнинг меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки улар ўзлари меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни қоплашда қўлланилади.

Солиқ кодексига мувофиқ ЖШДС бўйича имтиёзни ҳисоблашда МҲЭKM қўлланилади. Бироқ 2020 йил 1 январдан бошлаб ушбу мақсадлар учун йил бошига МҲЭKM қўлланилмайди.

Солиқ кодексига сумма солиқ даври учун МҲЭKMга қаррали миқдорларда кўрсатилган бўлса, имтиёз суммаси календарь йил охирида белгиланган МҲЭKM бўйича қайта ҳисобланади.

Тўловлар солиқ даврига боғлиқ бўлмаган ҳолда МҲЭKMга қаррали миқдорларда ифодаланган бўлса, улар тўлов амалга оширилган ойдаги МҲЭKMдан келиб чиқиб ҳисобланади.

Азизахон ТОШХҲЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

божжона назорати зонасида белгиланган тартибларга асосан амалга оширилади. Йўловчиларнинг қўл юклари назоратнинг техник воситалари ёрдамида текширувдан ўтказилади ҳамда божжона қонун ҳужжатларига мувофиқ божжона назоратнинг соддалаштирилган шакллари қўлланилиши мумкин.

8. Йўловчиларнинг божжона назорати йўловчи божжона декларацияси (Йуриқномада тўлдирилиши мажбурий ҳисобланган ҳолларда), шахси тасдиқловчи ҳужжат ва чипта асосида амалга оширилади. Шахси тасдиқловчи ҳужжатсиз ҳаракатланаётган йўловчиларнинг божжона чегарасини кесиб ўтишига йўл қўйилмайди.

9. Йўловчиларнинг бағаж, қўл юки ҳамда бошқа қимматликларнинг расмийлаштируви тўлдирилиши мажбурий бўлган ҳолларда Йуриқномада белгиланган тартибда тўлдирилган йўловчи божжона декларацияси асосида амалга оширилади.

Йўловчи божжона декларация икки нусхада тўлдирилади ва унинг бир нусхаси божжона органида қолади, иккинчи нусхаси эса декларацияни тўлдирган йўловчига берилади.

10. Агар божжона чегараси орқали ўтаётган ва божжона назорати зонасида бўлган ҳар шахс божжона ҳудудига олиб кириш ёки ушбу ҳудуддан олиб чиқиш тақиқланган товарларни ёхуд божжона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб ўтилаётган товарларни ёнида яшироқда ва уларни ўз ихтиёри билан тақдим этмоқчи эмас, деб таҳмин қилишга асосланган бўлган тақдирда божжона органининг мансабдор шахси томонидан ушбу шахс шахсий қўриқдан ўтказилади.

11. Божжона назорати ва расмийлаштирувдан ўтган йўловчилар ўтиб кетаётган йўловчи ташиш поезди темир йўл станциясига келгунга қадар божжона назорати зонасида бўлади ва божжона назорати зонасини асосис тарк этишга йўл қўйилмайди.

12. Йўловчи ташиш поезди бригадаси аъзолари ҳамда уларнинг қўл юкни, бағажини, валютасини ва валюта бойликларини божжона назорати ва расмийлаштирувдан ўтказиш мазкур Низом билан йўловчиларга нисбатан белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-БОБ. ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ПЕОЗДИДА ҚЎЛ ЮКИ ВА БАҒАЖ ТАШИШНИНГ АЛОҲИДА ҚОЙДАЛАРИ

13. Қўл юкни йўловчилар учун мўлжалланган жойларга, шунингдек ўтиричлар ўртасидаги ўтиш жойлари, йўлақлар, вагон майдончалари (тамбурларга) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланган жисмоний шахслар томонидан божжона чегараси орқали божжона тўловлари тўла-масдан олиб ўтишнинг миқдор ва даврийлик нормаларидан ортиқ бўлган товарлар қўл юки ёки бағаж ҳисобига кирмайди ҳамда ушбу нормалардан ортиқ олиб ўтилганда мазкур товар эгасидан божжона тўловлари ундирилади.

15. Бағаж йўловчининг чиптасига кўра борадиган манзилдан узоқ бўлмаган жойгача ҳамда бағажни қабул қилиб олиш ва топшириш бўйича операцияларни амалга оширадиган темир йўл станциясигача ташилади.

16. Қўл юки сифатида кўздан кечиришдан ўтмаган ҳамда вагон ва йўловчиларга зарар етказиши ёки уларни ифлослантириши мумкин бўлган буюмлар, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган хавфли моддалар ва буюмлар рўйхатига киритилган буюмлар йўловчи ташилишига йўл қўйилмайди.

4-БОБ. БОЖЖОНА НАЗОРАТИ ВА РАСМИЙЛАШТИРУВИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТЕМИР ЙЎЛ МАЪМУРИЯТИ ВА УНИНГ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТИ

17. Темир йўл маъмурияти ва ходимлари:

Божжона органлари тақдим этган маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетаётган йўловчилар учун қўл юки, бағаж, валюта ва валюта қимматликларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги ахборот кўрсатилган эслатмалар ишлаб чиқиш ва ахборот пештахталарига жойлаштириш. Бунда, чипталарни сотиш жойларида, темир йўл вокзаллари ва темир йўл станцияларида йўловчиларни бу тўғрисида хабардор бўлишини;

Йўловчиларнинг валютаси, валюта қимматликлари ва қўл юкни божжона назоратидан ўтказишни амалга ошириш учун йўловчи поездларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 ноябрдаги 489-сон қарорининг 1-иловасида кўрсатилган темир йўл станцияларида келишилик ҳаракат жадавалига мувофиқ йўловчи ташиш поездларининг тўхташини;

хорижа чиқиб кетаётган ва хориждан кириб келаётган темир йўл тарихини божжона кўздан кечирувдан ўтказиш учун темир йўл станцияси ёки вокзалдаги божжона назорати зонасига етказилишини;

Йўловчиларнинг қўл юки ҳамда бағажига асосли шубҳа туғилганда, шунингдек йўловчи поезд таркибиде эгасиз (тегишли ҳужжати бўлмаган) тижорат товарлари мавжудлиги аниқланганда, бу тўғрисида божжона органи ходимлари хабардор қилинишини;

Бир вақтнинг ўзиде битта темир йўл станциясига икки ва ундан ортиқ поезд тарихининг кириб келиши ёки чиқиб кетишини истисно қиладиган йўловчи ташиш поездларининг ҳаракат жадавли ишлаб чиқишлигини;

кўзда тутилмаган тўхташларни ва тезликнинг камайишини истисно қиладиган чораларни (бундан енгиб бўлмас куч ҳолатлари мустасно) кўришни;

Йўловчи ташиш поездлари ҳаракатланганда йўловчиларнинг тушиб қолиши (чиқиб олиши) ва товарларнинг юклаб ортилишига (юклаб туширилишига) йўл қўймагликни;

темир йўл станцияси ёки темир йўл вокзалдаги божжона назорати зонасида банк хизматлари ва валюта айирбошлаш учун алоҳида хоналар ажратилиши;

темир йўл вокзали ва станцияларида йўловчилар оқимидан келиб чиқиб, йўловчилар учун юк ташувчилар ва перрон назоратчилари сифатли хизмат кўрсатишини ташкиллаштиришни;

Йўловчилар томонидан ташлаётган қўл юки ва бағажини тортиш учун темир йўл станциялари ва вокзалларида тарозилар ўрнатилиши ҳамда ушбу тарозилардан бепул фойдаланилишини; йўловчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган нормадан ортиқча қўл юкни ташиш учун йўловчи ташиш поездлари таркибига қўшимча бағаж вагонлари киритилишини таъминлаши шарт.

18. Божжона органлари ҳамда темир йўл станция ва вокзаллари ходимлари йўловчилар ва йўловчиларни ташиш поезди бригадаси аъзолари томонидан мазкур Низом талабларига риоя этилишида бир-бирига кўмак бериб боради.

5-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДА

19. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

РЕКЛАМА

 **«КОРХОНА ЮРИСТИ»**
электрон маълумотнома тизимини **ЎЗБЕК ТИЛИДА** тақдим этамиз
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

– «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

– «Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;

– «Давлат мулки объектларининг ҳисобини юришти тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАР:

– ЎзР ДСҚнинг «Солиқ тўловчиларини қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДБҚ, МВ, Транспорт вазирлиги, МБ Бошқарувининг «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини боғхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

«ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКА ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ШАХСЛАР – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ ТОИФАЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 1 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 11 майда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги УРҚ-296-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 249-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) номдаги ва 1-моддадаги «доимий прописка қилиниши» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинishi» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) илованинг:

белгиланишидаги ва номидаги «доимий прописка қилиниши» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинishi» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2 ва 3-бандлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Қариндошлар – ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонига ёки хусусий мулки бўлган бошқа уй-жой майдонига.

3. Васийлик ва ҳомиликдаги шахслар ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) болалар – васий (ҳомий), тутинган ота-она доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонига»;

4-бандидаги «доимий прописка қилинган» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5. Эр (хотин) – хотини (эри) доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонига»;

6-бандидаги «доимий пропискага эга бўлган» ва «бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш» деган сўзлар тегишинча

«доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» ва «бошқа манзилга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинishi» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-бандидаги «доимий пропискага эга бўлган» ва «бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш» деган сўзлар тегишинча «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» ва «бошқа манзилга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинishi» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Илгари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар – доимий яшаш учун тегишинча Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келганида»;

9, 10 ва 11-бандларидаги «мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 11'-банд билан тўлдирилсин:

«11'. Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида жойлашган давлат ҳокимияти органларида, давлат бошқаруви органларида, ҳўжалик бирлашмаларида ва бошқа давлат ташкилотларида беш йил мобайнида улзуксиз меҳнат фаолиятини олиб бораётган мутахассислар (техник, хизмат кўрсатуви ва ишлаб чиқариш ходимларидан ташқари), шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган болалари); изоҳи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Изоҳ:

1. Мазкур Рўйхатнинг 2 (бундан хотини ёки эри, ўз оиласига эга бўлмаган вояга етган фарзандлари ҳамда эр-хотиннинг биргаликдаги ва (ёки) илгариги никоҳдан туғилган ёҳуд никоҳсиз туғилган вояга етмаган болалари, шунингдек фарзандликка олинган болалар мустасно), 3, 5, 9–12-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқароларнинг қариндошлари Тош-

*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 14.05.2020 йилдан кўча кирди.

кент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш, башарти Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг бир киши учун уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги талабларига риоя этилса, амалга оширилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ҳоллар мустасно».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маънафатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Қўнуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қўнунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қўнунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қўнун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 13 май
ЎРҚ-616-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

**2020–2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БАНК ТИЗИМИНИ
ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА***

Молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш домида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илгор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, халқаро талабларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибдор ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги янгиланган қонунарни қабул қилинди.

Шу билан бирга, банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодийда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўқсинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг худудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим.

Банк тизимида замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омилли таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар қўриш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, хусусий сектор ривожини рағбатлантириш, банкларнинг инвестициявий жозибдорлигини, банк хизматлари оммабоплигини ва уларнинг сифатини ошириш учун банк секторини тубдан трансформация қилиш мақсадида:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикасида банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

молия бозорига тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банкларда хизмат кўрсатишни модернизация қилиш, самарали

инфратузилма яратиш ва банклар фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банкларнинг асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган функцияларини босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш;

кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасига амал қилиш, мувозанатлашган макроиктисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқаруви тақомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш;

давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишнинг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов савдолари асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзida ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш;

етарли даражада хизмат кўрсатилмаётган ва заиф қатламларда давлат иштирокини кўлайитириш ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ва кичик бизнес учун мақсавий хизматларни кенг жорий қилиш, камҳарajat хизмат кўрсатиш нукталари тармоғини ривожлантириш, шунингдек, республиканинг ягона молия тизимидаги узаро тўлдирувчи қисм сифатида нобанк кредит ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини ошириш.

2. Куйидагилар:

2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш бўйича, шу жумладан, куйидагиларни назарда тутувчи мақсадли қўрсаткичлар 3-иловага** мувофиқ белгилансин:

банк тизими активларининг жами ҳажмида давлат улуши бўлмаган банклар активлари ҳиссасини жорий 15 фоиздан 2025 йилга қелиб 60 фоизгача ошириш;

банклар мажбуриятларининг умумий ҳажмида хусусий сектор олдидаги мажбуриятлар ҳиссасини жорий 28 фоиздан 2025 йил кунигача 70 фоизгача ошириш;

*Ушбу Фармон Қўнун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 13.05.2020 йилдан қучга кирди.

**Фармонга 1–3-шловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг нўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва ntm.uz сайтида танишиш мумкин.

темир йул станцияси – поездлар ва бошқа транспорт воситалари билан технологик операцияларни (қабул қилиш ва жўнатиш, манёвр ишлари ва шу қабилирлар, шунингдек багаж, юк багажини қабул қилиш ва тақдим этиш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича операцияларни амалга оширувчи умумий фойдаланиш темир йул транспорти бўлими;

товар – божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси, валюта қимматликлари ва бошқа қимматли қозғолар, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турлари, интеллектуал мулк объектлари, транспорт воситаси;

чипта – умумий фойдаланиладиган темир йул транспортда йўловчи ташиш шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ташиш ҳужжати.

2. Темир йул вокзаллари ва темир йул станцияларида божхона назорати зоналари белгиланади.

Божхона назорати зонасига йўловчиларни кириштириш (божхона назорати зонасидан йўловчиларни чиқариш) уларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва чипта ҳамда йўловчи божхона декларациясини тўлдирши ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 2606, 2014 йил 5 август) (бундан бунён матнда Йўриқнома деб юритилади) назарда тутилган ҳолларда белгиланган тартибда тўлдирилган (расмийлаштирилган) йўловчи божхона декларацияси мавжуд бўлган тақдирда қатъий равишда божхона расмийлаштирувнинг белгиланган жойларида амалга оширилади.

3. Темир йул станцияси ходимларининг божхона назорати зонасига кириши ҳамда йўловчи ташиш поездларини қабул қилиш, жўнатиш, уларни техник кўриқдан ўтказиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятларини бажариши божхона органига темир йул станцияси маъмурияти томонидан тақдим этилган ходимлар рўйхатлари асосида амалга оширилади.

Темир йул станцияси ходимлари божхона назорати зонасига тегишли гувоҳномалар ва кўрак белгиларини кўрсатган ҳолда хизмат йўли орқали киритилади.

4. Ўзбекистон Республикасидан жўнаб кетаётган ва Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган йўловчилар, уларнинг қўл юки, багажи, валюта ва валюта қимматликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш божхона назорати зонасидаги махсус хоналарда (кўриқдан ўтказиш жойлари) ёки йўловчи ташиш поездларида уларнинг тўхтаб туриш вақтида амалга оширилади.

Йўловчилар, уларнинг қўл юки, багажи, валюта ва валюта қимматликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш темир йул маъмурияти билан келишилган ҳолда темир йул вокзаллари ёки Давлат чегарасида жойлашган темир йул станцияларида амалга оширилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 162-моддасига мувофиқ йўловчилар томонидан ишлаб чиқариш ёки тижорат мақсадлари учун мўлжалланган товарларни, шунингдек уларнинг манзилига келаётган нотижорат мақсадлардаги товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда (бундан почта ва курьерлик жўнатмалари мустасно) божхона расмийлаштирувнинг умумий қоидалари қўлланилади.

Йўловчилар томонидан қўл юкида ёки кузатиб борилаётган багажда нотижорат мақсадларда олиб ўтилаётган товарларнинг, шунингдек халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларида юбори-

лаётган шундай товарларнинг қиймати ва (ёки) миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган божсиз олиб кириш нормаси ва акция солиғи солинмайдиган олиб кириш нормасидан ортқ бўлса, ортқ қисмига нисбатан божхона тўловлари тўланади.

Мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда божхона расмийлаштируви Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 247-моддасига мувофиқ амалга оширилади, бундан божхона тўловлари жисмоний шахслар томонидан товарларни декларациялашда тўланган ҳоллар мустасно.

6. Йўловчиларнинг қўл юки, багажи, валюта ва валюта қимматликларини божхона кўздан кечируви ва божхона кўриги учун мазкур Низомда белгиланган вақт меъёриларидан келиб чиққан ҳолда, божхона назорати ва расмийлаштирувдан сифатли ва ўз вақтида ўтказиш мақсадида божхона органида темир йул станцияси (вокзали) маъмурияти билан биргаликда ўзаро ҳаракат тартибини белгилайди. Бунда ушбу тартиб қуйидаги талабларни ўз ичига олиши лозим:

а) Давлат чегарасида жойлашган темир йул станцияларида божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш учун туриш давомийлиги божхона органи билан келишилган ҳолда темир йул станцияси маъмурияти томонидан белгиланади. Бунда ўтказиш пунктларида божхона назорати ва расмийлаштируви йўловчи ташиш поездининг темир йул станциясига кириб келиши вақтида бошланиши ва унинг ҳаракатланиш графигига кўра жўнаб кетишига 5 дақиқа қолганда тугаши лозим. Бу ҳақда йўловчи ташиш поезднинг бригадери ёки темир йул вокзалларида, станцияларида ва темир йул чипталарини сотиб олиш вақтида йўловчилар оғохлантрилади;

б) темир йул вокзали ходимлари ва йўловчи ташиш поезди бригадаси аъзолари божхона органи томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида темир йул вокзали ва йўловчи ташиш поездларида йўловчиларга келгусидаги божхона назорати ва божхона расмийлаштирувини амалга оширишнинг тартиблари (шу жумладан, бошланиш вақти) тўғрисида хабардор этили;

в) божхона кўздан кечируви ва божхона кўриги учун белгиланган вақт меъёрида, бунда:

бита йўловчининг қўл юки, багажи, валюта ва валюта қимматликларининг божхона кўриги, божхона кўздан кечируви ҳамда йўловчи божхона декларациясини расмийлаштириш вақти 1,5 дақиқа ичиде амалга оширилади, зарур ҳолларда мазкур мuddат божхона органи томонидан 5 дақиқачага узайтирилиши мумкин;

йўловчини шахсий кўриқдан ўтказиш вақти 30 дақиқа ичиде;

бита багажнинг божхона кўриги ва (ёки) божхона кўздан кечируви 10 дақиқа ва алоҳида кузатиб бориладиган багаж, почта ва (ёки) почта-багаж вагонларидаги багажни – 30 дақиқа ичиде амалга оширилади.

Божхона кўриги ва/ёки божхона кўздан кечирувнинг амалга ошириш давомийлиги ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланганда темир йул станцияси навбатчиси билан келишилган ҳолда узайтирилиши мумкин.

2-БОБ. ЙЎЛОВЧИЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ҚЎЛ ЮКИНИ, БАГАЖИНИ, ВАЛЮТАСИНИ ВА ВАЛЮТА БОЙЛИКЛАРИНИ БОЖХОНА НАЗОРАТИ ВА РАСМИЙЛАШТИРУВИДАН ЎТКАЗИШ

7. Йўловчиларнинг қўл юки, багажи, валютаси ва валюта қимматликларининг божхона назорати ва расмийлаштируви

РЕКЛАМА



«КИЧИК ҚОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Та.глимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.

E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ,
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ЙЎЛОВЧИЛАРИНИНГ ҚЎЛ ЮКИНИ, БАГАЖИНИ,
ВАЛЮТАСИНИ ВА ВАЛЮТА БОЙЛИКЛАРИНИ БОЖХОНА НАЗОРАТИДАН
ЎТКАЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди,
рўйхат рақами 3233

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 ноябрдаги 489-сон «Темир йўл станцияларида божхона назоратини ва назорат постларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2012 йил 13 апрелдаги 109-сон «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 18 ноябрдаги 912-сон «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветерина-

рия назоратини ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Давлат Божхона қўмитаси раиси
М.АЗИМОВ.
01-02/12-10-сон.

Молия вазири
Т.ИШМЕТОВ.
14-сон.

Транспорт вазири
Э.ГАНИЕВ.
7-сон.

Марказий банк раиси
М.НУРМУРАТОВ.
3/2-сон.

Тошкент ш., 2020 йил 20 март.

ЎЗР ДБК, МВ, Транспорт вазирлиги ва МБ бошқарувининг 2020 йил 20 мартдаги 01-02/12-10, 14, 7, 3/2-сон қарорига
ИЛОВА

**ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ЙЎЛОВЧИЛАРИНИНГ ҚЎЛ ЮКИНИ, БАГАЖИНИ, ВАЛЮТАСИНИ
ВА ВАЛЮТА БОЙЛИКЛАРИНИ БОЖХОНА НАЗОРАТИДАН ЎТКАЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

Мазкур Низоми Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ темир йўл транспортида Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини кесиб ўтаётган вагон кузатувчилари ҳамда йўловчиларнинг қўл юки, багажи, валюта ва валюта қимматликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомида куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

багаж – йўловчига шахсан тегишли бўлган, унга поездда юриши тугаган зарур бўлган ва ташини учун багаж вагонига чипта буйича қабул қилинувчи буюмлар;

божхона назорати – Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига риоя этилишини таъминлаш учун божхона органлари томонидан амалга ошириладиган, шу жумладан хавфни бошқариш тизими қўлланилган ҳолда амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи;

божхона назорати зонаси – божхона ҳудудининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида ташкил қилинадиган, махсус ажратиб ва белгилаб қўйилган қисми божхона назорати зонасидир;

божхона расмийлаштируви – божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш учун божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан ўтказиладиган божхона операциялари мажмуи;

валюта – чет эл валютаси ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси;

валюта қимматликлари – чет эл валютаси, номинали чет эл валютасида ифодаланган қимматли қоғозлар ва тўлов ҳужжатлари, норезидентлар томонидан чиқарилган, номиналга эга бўлмаган қимматли қоғозлар, соф куйма олтин;

йўловчи – темир йўл транспортида юришни амалга ошириш учун чиптага эга бўлган жисмоний шахс;

йўловчи божхона декларацияси – нотижорат мақсадлар учун мўлжалланган, декларацияланадиган товарларни ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтаётган жисмоний шахс томонидан тўлдириладиган ва божхона органига тақдим этиладиган ҳужжат;

йўловчи ташини поезде – темир йўл қатнови алоқаларининг барча турларида йўловчиларни ташини учун мўлжалланган поезд. Бунда йўловчи ташини поезде таркибига багаж, почта ва (ёки) почта-багаж вагонлари ҳам бўлиши мумкин;

қўл юки – ўз ўлчамлари ва вазнига кўра (учта ўлчови йиғиндисини буйича 180 см дан, қоидага кўра вазни 36 кг дан, икки ётоқ ўринли вагонлар учун эса – 50 кг дан ошмайдиган бўлиши керак) ўрам тури ва хилидан қатъи назар, енгил кўтариб юриладиган, йўловчи вагонларида уларни жойлаштириш учун мўлжалланган жойларга қийинчиликсиз жойлаштириладиган юклар ва буюмлар;

темир йўл вокзали – темир йўл станциясидаги йўловчиларга хизмат кўрсатиш, поездлар ҳаракатини бошқариш ва хизматчи ходимларни жойлаштириш учун мўлжалланган бино ёки бинолар, иншоотлар ва қурилмалар комплекси;

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.05.2020 йилдан кучга кирди.

2025 йилга келиб давлат улуши мавжуд камиди учта банк капиталига зарур таъриба, билим ва нуфузга эга камиди учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш;

умумий кредитлаш ҳажмида нобанк кредит ташкилотлари улушини жорий 0,35 фоиздан 2025 йилга келиб 4 фоизгача ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг қуйдагилар тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин: халқаро молия институтлари кумагида «Ипотека-банк» АТИБ, «Узсаноатурилишбанк» АТБ, «Асака» АТБ, АТ «Алоқабанк», «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ва «Туронбанк» АТБдаги давлат улушларини босқичма-босқич хусусийлаштириш, бунда биринчи босқичда уларни институционал ўзгартаришни (фаолиятини трансформация қилиш), иккинчи босқичда эса давлат акциялари пакетини сотишни назарда tutтиш;

банк тизимини ислох қилиш даврида аҳолининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш, инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш механизмни («лойиҳалар фабрикаси») кенг жорий қилиш, банк хизматларининг ҳудудий қамровини таъминлаш мақсадида «Фашиқ иқтисодий фаолият Миллий банки» АЖ, «Агробанк» АТБ ва «Микрокредитбанк» АТБ устав капиталларида давлат улушини сақлаб қолиш;

айрим банкларнинг фаолиятини диагностика қилиш ва молиявий аҳолини баҳолаш асосида, меъёрий талабларидан ҳамда қайта ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни консолидациялаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида вазирликнинг тасдиқланган шартлар сони доирасида Давлат улушига эга тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича лойиҳа офиси (кейинги ўринларда – Лойиҳа офиси) ташкил этилсин ҳамда унга қуйдаги ҳуқуқлар берилсин:

тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнига масlahатчи сифатида халқаро консултантларни жалб қилиш;

тижорат банкларини трансформация қилиш, шунингдек, улардаги давлат акциялари пакетини хусусийлаштиришга доир масалаларда халқаро молия институтлари ва салоҳиятли хорижий инвесторлар билан музокалар олиб бориш ва битимлар тузиш.

Белгилансинки, Лойиҳа офисига Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари раҳбарлик қилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги 2024 йилдан кечиктирмай Халқаро валюта жағмараси ва Жаҳон банки дастури (FSAP) асосида молиявий сектор ҳолатини баҳолашни ўтказиш чораларини курсин.

7. Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари томонидан банкларнинг, шу жумладан, кредит портфели ва банк активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваққал-чиликларини бошқариш фаолиятига аралаштириш тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликнинг банклар фаолиятига давлат органларининг маъмурий аралашувига йўл қўймаслик қисми ижро этилиши устидан назоратни кучайтирсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жағмарасини бошқариш бўйича кенгаш таркибига мустақил аъзоларни киритиш орқали уни институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш чораларини курсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Республика иқтисодиётига тўғривдан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4300-сон қарорига 1-илованинг 1–3-позициялари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЕЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 12 май
ПФ-5992-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЭКСПОРТ РЕСПУБЛИКАСИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Сўнги йилларда тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида Экспортни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилиб, экспорт ҳажмини ошириш учун экспорт қилувчи корхоналарга молиявий қўмак бериш механизмлари яратилди.

Жаҳон бозорларида рақобат кескинлашиб бораётган шароит маҳсулотлар экспорти ҳажминини ошириш орқали янги бозорларга кириб бориш ва аънавий бозорларда ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш янада кенгайтириш заруриятини юзга келтирмоқда.

Экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақомиллаштириш, шунингдек 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастуридида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва сургута ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ жорий этилган маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш механизми маҳсулотларни автомобиль ва ҳаво транспортида экспортга ташишга ҳам татбиқ этилсин.

Экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилинадиган маҳсулотлар рўйхати 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссиясига (С.У.Умурақов) (кейинги ўринларда – Республика экспорт комиссияси) экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар тақдим этиладиган маҳсулотлар рўйхатига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш, субсидиялар тақдим этиш шартлари ва миқдорларини белгилаш ҳамда тартибини тасдиқлаш, шунингдек, маҳсулот

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.05.2020 йилдан қўчқа кирди.

**Қарорга 1–2-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нота» АҚТ ва nntt.uz сайтида танишиш мумкин.

тури, ҳажми ва экспорт йўналишига қараб субсидиянинг қатъий миқдорларини белгилаш ваколати берилсин.

Республика экспорт комиссияси бир ҳафта мuddатда маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га маҳсулотларни экспорт қилишда, шу жумладан 2020 йил 1 апрелдан бўён амалга оширилган экспорт бўйича автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортда ташиш харажатларини қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартибини тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан экспорт операциялари бўйича олиб ўтилаётган товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан жорий қилинган барча турдаги мажбурий тўловлар ва ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжудлигини текшириш амалиёти 2021 йил 1 январга қадар бекор қилинсин.

4. Белгилансинки, экспорт қилувчилар буюб сифатида сугурта хизматларидан фойдаланганда сугурта муқофотини қоплашга Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурдаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан компенсациялар тақдим этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг харажатлари учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратсин ва 2021 йилдан ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тutsин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бир ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 7 май
ПҚ-4707-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
BAZIRLAR MAḲKAMACI
QARORI**

**COXTA BANKROTЛИK, BANKROTЛИKNI YAШИРИШ VA ҚACDДAN
BANKROTЛИKKA OLIB KЕЛИШ AЛОМАТЛАРИНИ AНИҚЛАШ ҚOИДАЛАРИГА
ЎЗГАРТИРИШ VA ҚЎШИМЧАЛАР KИРИТИШИ ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2019 йил 13 декабрдаги УРҚ-594-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-4146-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 йил, 8-сон, 54-модда) билан тасдиқланган Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича уринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Д.А.Кучқаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Х.Бекенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 15 апрель
231-сон.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 15 апрелдаги 231-сон қарорига
ИЛОВА

**COXTA BANKROTЛИK, BANKROTЛИKNI YAШИРИШ VA ҚACDДAN BANKROTЛИKKA OLIB
KЕЛИШ AЛОМАТЛАРИНИ AНИҚЛАШ ҚOИДАЛАРИГА KИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ VA
ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 1-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур қоидалар суд бошқарувчиси томонидан қарздорнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш юзасидан таҳлил қилиш (кейинги ўринларда – таҳлил қилиш) тартибини белгилайди.»

2. 2-банднинг иккинчи хатбошисига «якка тартибдаги тадбиркор» сўзларидан кейин «, ёхуд якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс» сўзлари қўшилсин.

3. 5-банднинг «д», «е», «ж», «з» кичик бандларидаги «қарздорни банкрот деб эътироф этиш тўғрисида» сўзлари «қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 21-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«21. Банкротликни яшириш аломатлари банкротлик тўғрисида иш қўзғатишдан олдинги давр мобайнида, шунингдек, банкротлик таомиллари жараёнида суд бошқарувчиси томонидан аниқланади.»

5. 35-банднинг иккинчи хатбошисига «якка тартибдаги тадбиркор» сўзларидан кейин «якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс» сўзлари қўшилсин.

6. 37-банднинг «в» кичик бандидаги «банкротликнинг тегишли тартиботини» сўзлари «банкротлик таомилларини» сўзлари билан алмаштирилсин.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 16.04.2020 йилдан кучга кирди.

унга тизим орқали автоматик равишда қўшилган қиймат солиғи рўйхат рақами бериллади ва гувоҳномада кўрсатилади.

Солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғи рўйхат рақамини ҳисобварақ-фактурада ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатда кўрсатиши шарт.

14. Солиқ тўловчи рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон шаклдаги гувоҳнома юбориллади.

3-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИ ҚАЙТА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

15. Юридик шахснинг номи, яққа тартибдаги тadbиркорнинг Ф.И.О. ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида қайта рўйхатдан ўтказилади, бунда солиқ тўловчининг қайта рўйхатдан ўтказилиши Давлат хизматлари марказидан келиб тушган маълумотлар асосида солиқ органлари маълумотлар базасига тегишли ўзгаришлар киритиш йўли билан тизимда автоматик тарзда амалга оширилади.

16. Солиқ тўловчини қайта рўйхатдан ўтказиш, солиқ тўловчи ҳамда унинг контрагентлари томонидан қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланишига таъсир қилмади ва қўшилган қиймат солиғи рўйхат рақамини ўзгаришига олиб келмайди.

17. Солиқ тўловчининг қайта рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот бир иш кунини ичига солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади.

4-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЧИҚАРИШ

18. Солиқ органлари томонидан қўйидаги ҳолларда солиқ тўловчини рўйхатдан чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинади:

юридик шахс ёки яққа тартибдаги тadbиркорнинг фаолияти тугатилган тақдирда, солиқ органлари томонидан Тadbиркорлик субъектларини ягона давлат реестрига киритилган маълумотлар асосида;

солиқ текширувлари ўтказиш жараёнида банк операцияларининг ҳужжалик юритувчи субъект фаолияти хусусиятига ва турига, шунингдек харид қилинадиган ва реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) номенклатурасига мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда;

солиқ текшируви жараёнида, солиқ тўловчи томонидан битим тузишда кўзланган асосий мақсад қўшилган қиймат солиғини тўламаслик ёки уни ҳисобга олиш эканлиги ҳамда битим (операция) бўйича мажбурият шартнома тарафи бўлмаган шахс ёки битимчи (операцияни) бажариш мажбурияти шартнома ёки қонун бўйича юклатилмаган шахс томонидан бажарилганлиги аниқланган тақдирда;

агар, сўнгги календарь йил давомида солиқ тўловчисининг солиқ солинадиган айланмаси ҳажми 1 миллиард сўмдан ошмаган бўлса ихтиёрий тартибда рўйхатдан чиқарилади, бунда солиқ тўловчининг солиқ солинадиган айланмаси ҳажми 1 миллиард сўмдан ошмаган тақдирда, йил тугаганидан кейин беш кун ичида, солиқ тўловчи томонидан ихтиёрий тартибда рўйхатдан чиқариш тўғрисида маъмур Низомнинг 4-иловасига** мувофиқ электрон шаклдаги ариза тақдим этиди;

солиқ тўловчи суд томонидан сохта тadbиркорлик билан

шуғулланганлиги эътироф этилган тақдирда, сохта тadbиркорлик билан шуғулланиш ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирган тақдирда.

19. Солиқ тўловчи 18-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида келтирилган ҳолатлар бўйича солиқ тўловчини рўйхатдан чиқарилиши ҳақидаги солиқ органининг қароридан норози бўлган тақдирда, ушбу қарор устидан белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

20. Солиқ тўловчининг рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисида қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан бир кун ичида, солиқ тўловчи суд томонидан сохта тadbиркорлик билан шуғулланганлиги эътироф этилган тақдирда, сохта тadbиркорлик билан шуғулланиш ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирган кундан бошлаб уч иш кунини ичига қабул қилинади. Қарорда солиқ тўловчининг рўйхатдан чиқарилган санаси кўрсатилиши шарт.

21. Солиқ тўловчиларнинг рўйхатдан чиқарилганлиги ҳақидаги ахборот Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва бир кун ичида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади.

5-БОБ. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ РЕЕСТРИНИ ЮРИТИШ

22. Давлат солиқ қўмитаси томонидан қўшилган қиймат солиғи тўловчиларининг ҳисобининг юритилишини таъминлаш мақсадида Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларининг ягона реестри (бундан буён кўндала реестр деб юритилади) юритилади.

23. Реестрга қўйидаги маълумотлар киритилади: қўшилган қиймат солиғи тўловчининг рўйхат рақами; юридик шахс раҳбарининг Ф.И.О., юридик шахс номи, яққа тартибдаги тadbиркорнинг Ф.И.О., уларнинг жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотлар;

солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказилганлиги, қайта рўйхатдан ўтказилганлиги, рўйхатдан ўтказилиши бекор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар;

солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризасида кўрсатиладиган маълумотлар.

24. Давлат солиқ қўмитаси реестрни шакллантириш ва юритиш билан бирга:

реестрни юритишга оид ташкилий ва методологик принципларни ишлаб қадаи;

рўйхатдан ўтказишни ташкиллаштиради;

реестр маълумотлари базасининг администратори вазифасини бажаради, хусусан, маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, маълумотларнинг ишончлилиги ва долзарблигини назорат қилиш, уларни сақлаш ҳамда ҳимоя қилинишини назорат қилади;

реестр базасининг автоматлаштирилган тарзда юритилишини таъминлайди;

реестр маълумотларидан эркин фойдаланилишини таъминлайди.

6-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

25. Маъмур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

26. Маъмур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

РЕКЛАМА



«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этимиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРИНИ ҚўШИЛГАН ҚўЙМАТ СОЛИФИ ТЎЛОВЧИЛАРИ СИФАТИДА МАХСУС РЎЙХАТДАН ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИ ТўҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Маъзур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қўшилган қўйимат солиғи солиқ тўловчиларини (бундан буён матнда солиқ тўловчилар деб юритилади) солиқ органларида қўшилган қўйимат солиғи тўловчилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказиш деб юритилади) тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМЙ ҚОЙДАЛАР

1. Солиқ тўловчиларни солиқ органларида рўйхатдан ўтказиш қўшилган қўйимат солиғи тўловчиларининг ягона автоматлаштирилган тизимида (бундан буён матнда тизим деб юритилади) ҳисобга олиш орқали амалга оширилади.

2. Солиқ тўловчилар солиқ органларида қўшилган қўйимат солиғининг тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтадилар ва бу қўшилган қўйимат солиғи суммасини ҳисобга олишининг шартли ҳисобланади.

2-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТҚАЗИШ

1-§. Рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилиш

3. Солиқ тўловчилар қўшилган қўйимат солиғи тўловчилари сифатида солиқ органларида мажбурий ва ихтиёрий тартибда рўйхатдан ўтказилади.

4. Қўйидаги солиқ тўловчилар мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилади:

товарларни реализация қилишдан олинган даромади Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган солиқ даврида 1 миллиард сўмдан ошган юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни (хизматларни) реализация қилувчи чет эл юридик шахслари, агар товарларни (хизматларни) реализация қилиш жойи деб Ўзбекистон Республикаси эътироф этилса;

фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассасалар орқали амалга оширувчи чет эл юридик шахслари;

оддий ширкат шартномаси (биргалиқдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) доирасида амалга ошириладиган фаолият бўйича – оддий ширкатнинг ишларини юритиш вазифаси зиммасига юклатилган ишончли шахс – оддий ширкатнинг иштирокчиси;

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтувчи (импорт) юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар;

ақдиз солиғи тўланадиган товарларни (хизматларни) ишлаб чиқарувчи юридик шахслар ва (ёки) фойдали қазилмаларни қавлаб олишни амалга оширувчи шахслар;

юримдик шахслар – қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, башарти уларда эзлик текстар ва ундан ортиқ сугориладиган қишлоқ ҳўжалиги экин майдонини мавжуд бўлса ёки пахта хом ашёсини ишлаб чиқарувчилар;

бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар;

лотереяларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдори бўлган юридик шахслар, улардан самарасиз фойдаланилмаётганлиги бўйича қўнунда белгиланган тартибда хулоса киритилганда;

марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан

объектларни (жорий ва капитал таъмирлаш бундан мустасно) қуришни бажарувчи юридик шахслар.

5. Қўйидаги солиқ тўловчилар ихтиёрий тартибда рўйхатдан ўтказилади:

янги ташкил этилаётган юридик шахслар;
мажбурий тартибда қўшилган қўйимат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар;

солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 миллион сўмдан ошган, бироқ 1 миллиард сўмгача бўлган яққа тартибдаги тадбиркорлар.

6. Солиқ тўловчини мажбурий равишда рўйхатдан ўтказиш солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали маъзур Низомнинг 1-иловасига** мувофиқ шаклда тақдим этилган аризасига асосан, у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ органи томонидан амалга оширилади, бунда ариза солиқ тўловчининг қўшилган қўйимат солиғи тўлашга ўтиши керак бўлган ойнинг 5-санасидан кечиктирмасдан тақдим этилиши керак.

7. Юримдик шахсини ихтиёрий равишда рўйхатдан ўтказиш солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали маъзур Низомнинг 2-иловасига** мувофиқ шаклда тақдим этилган аризасига асосан, у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ органи томонидан амалга оширилади, бунда ариза қўшилган қўйимат солиғи тўлашга ўтиладиган ойнинг биринчи санаси бошлангунга қадар юборилиши зарур.

8. Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 миллион сўмдан ошган, бироқ 1 миллиард сўмгача бўлган яққа тартибдаги тадбиркорларни ихтиёрий равишда рўйхатдан ўтказиш солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали маъзур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилган аризасига асосан, у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ органи томонидан амалга оширилади, бунда ариза яққа тартибдаги тадбиркорнинг даромадлари белгиланган суммадан ошган санадан 5 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

9. Солиқ тўловчи томонидан солиқ органига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ариза юборилган сана аризининг тақдим этилган санаси деб ҳисобланади.

10. Қўшилган қўйимат солиғи ва фойда солиғи тўлашни танлаган янги ташкил этилаётган юридик шахслар, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан, тадбиркорлик субъектини – юридик шахсини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилган аризасига асосан рўйхатдан ўтказилади.

2-§. Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган мурожаатларни кўриб чиқиш

11. Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризаси келиб тушган кундан эътиборан беш кун ичида солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан кўриб чиқилади ва солиқ тўловчини қўшилган қўйимат солиғи тўловчиси сифатида тизимда рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади.

12. Солиқ тўловчини рўйхатдан ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (бундан буён матнда Давлат солиқ қўмитаси деб юритилади) томонидан солиқ органига тақдим этилган рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ариза ва солиқ органининг рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги қарори асосида маъзур Низомнинг 3-иловасига** мувофиқ шаклда солиқ тўловчига рўйхатдан ўтказиш вухожомаси (бундан буён матнда вухожнома деб юритилади) расмийлаштирилади.

13. Солиқ тўловчи тизимда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг,

**Низомга 1–4-иловлар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳўжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танилиши мумкин.

**ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА***

Республикада инвесторлар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши учун самарасиз ишлаётган давлатга тегишли объектларни қулай шартларда тадбиркорлик субъектларига бериш, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда давлат ташкилотларига тегишли бўлган объектлар ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Давлат мулки объектларининг ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низоом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг чет элда жойлашган давлат мулки объектларининг ҳисобини юритиш ва уларни бошқариш тартиби тўғрисидаги низоом 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги:

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ва унинг ҳудудий бошқармаларининг давлат мулки объектлари, шунингдек, чет элда жойлашган давлат мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ҳақидаги тақдимномаларини бажармаганлик учун давлат ташкилотлари мансабдор шахсларига ҳамда давлат мулки объектларидан фойдаланиб келаётган юридик шахслар раҳбарларига нисбатан жавобгарлик белгилашнинг назарда тутувчи узгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

бир ой муддатда фойдаланилмаётган давлат кўчмас мулкларидан самарали фойдаланиш бўйича намунавий «йўл-харита»нинг шаклини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси билан биргаликда электрон тизимлар ўртасида давлат кўчмас мулкларини ҳисобини юритиш ва улар тўғрисидаги онлайн маълумотлар алмашинувиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия

вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Давлат статистика кўмитаси, «Қимматли қўзғоларнинг марказий депозитарийси» давлат корхонаси билан биргаликда давлат ташкилотлари, устав фондида (капиталида) давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар, устав фондида (капиталида) 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни доимий янгилаб бориш бўйича онлайн маълумотлар алмашинувиши таъминласин.

3. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Давлат статистика кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 1 декабрда қадар ишчи гуруҳ тузган ҳолда, давлат улуши мавжуд бўлган ҳўжалик жамиятлари, давлат ташкилотлари хатловдан ўтказилишини ташкил қилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва уларнинг тизиминдаги ташкилотлар томонидан ўзларига бириктирилган барча давлат мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни бир ой муддатда Агентликнинг «property.davaktiv.uz» ахборот тизимига киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳўкуматининг 3-иловага** мувофиқ айрим қарорлариغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазир Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Х.Бекенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 8 май
273-сон.

ЎЗР ВМнинг 2020 йил 8 майдаги 273-сон қарорига
1-ИЛОВА

**ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ****1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низоом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат мулки объектларининг ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низоомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ҳисоб объекти – Ўзбекистон Республикасининг давлат кўчмас мулк (турар ва нотурар) объекти, автомобилотransпорт воситаси, давлат иштирокидаги ташкилотлар ва ушбу ташкилотларнинг улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (тегишли улуш (акция)), интеллектуал мулк объекти;

давлат мулки объектларининг ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) «property.davaktiv.uz» ахборот тизими орқали барча давлат мулки объектлари тўғрисидаги ахборотлар жамланадиган маълумотлар базаси;

тақдимнома – давлат ташкилотлари, шунингдек, давлат мулкдан текин фойдаланиш ҳўкуқи асосида фойдаланиб келаётган юридик шахслар ушбу Низоом талабларини бажармаган тақдирда, Агентлик ва унинг тегишли ҳудудий бошқармалари томонидан ёзма равишда тақдим этиладиган ҳужжат.

2-БОБ. ДАВЛАТ МУЛКИНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

3. Ҳар чоракда бир мартаба, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай, ахборот тизимига онлайн маълумотлар асосида ҳисоб объектлари бўйича зарур маълумотлар – СТИР рақами, улуш (акция) миқдори ва қиймати, муассиси (иштирокчи, акциядор) ва уларнинг СТИР рақами киритилади.

Қуйидагилар ахборот тизимига онлайн маълумотлар асосида ҳисоб объектлари бўйича:

а) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда – Давлат хизматлари агентлиги) томонидан:

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 8.05.2020 йилдан қўчма кирди.

**Қарорва 2-илова «СБХ»да чоп этилмайдди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида таъиниш мумкин.

давлат корхоналарининг рўйхати;
улав фондида (капиталида) давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар, улав фондида 50 фоиз ва ундан ортқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар рўйхати (акциядорлик жамиятлари бундан мустасно);
ягона давлат реестридан чиқарилган давлат корхоналари ҳамда давлат ташкилотлари иштирокидаги юридик шахсларнинг рўйхати;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан:

давлат ташкилотларининг рўйхати;
ягона давлат реестридан чиқарилган давлат ташкилотларининг (давлат муассасалари) рўйхати;

в) «Қимматли қозғаларларнинг марказий депозитарийси» давлат корхонаси (кейинги ўринларда – Депозитарий) томонидан:

улав фондида (капиталида) давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари, давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларининг улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари рўйхати, шу жумладан ушбу жамиятларнинг қимматли қозғалари чиқарилишини ҳисобга қўйилиши ёки ҳисобдан чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар;

улав фондида (капиталида) давлат улуши мавжуд бўлган масъулияти чекланган жамиятларининг улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари рўйхати шу жумладан ушбу жамиятларнинг қимматли қозғалари чиқарилишини ҳисобга қўйилиши ёки ҳисобдан чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар;

улав фондида (капиталида) давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари, қонун ҳужжатларида ҳамда акциядорлик жамиятларининг бошқарув органлари қарорлари асосида давлат улуши вужудга келган акциядорлик жамиятлари, ушбу акциядорлик жамиятларининг улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларининг рўйхати;

г) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан давлат ташкилотларининг товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва уларнинг рўйхатдан ўтган рақами ва санаси ҳамда унинг амал қилиш мuddати тўғрисидаги маълумотлар;

д) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги давлат ташкилотларига тегишли автоматотранспорт воситаларининг рўйхатини (номи, русуми, давлат рақами, ишлаб чиқарилган йили билан биргаликда);

е) «Давергеодезкадастр» қўмитаси давлат кўчмас мулк объектларининг номи ва жойлашган ери (шу жумладан, қурилиш тугалланмаган объектлар), кадастр рақами, кадастр қиймати, умумий ер майдони (кв.м), қурилиш ости майдони (кв.м), фойдала майдони (кв.м), объектлар тегишли бўлган юридик шахслар (СТИР рақами), объектларга бўлган ҳуқуқ турлари ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг захира ер фондидаги қишлоқ ҳўжалига мўлжалланмаган ер участкаларининг манзили, контури, майдони тўғрисидаги маълумотларни киритади.

4. Ахборот тизимига онлайн маълумотлари асосида ушбу Низомнинг 3-бандида қайд этилган ҳисоб объектларида ўзгартиш бўлганидан сўнг беш иш куни ичида:

Давлат хизматлари агентлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Депозитарий томонидан қуйидаги ҳўлларда тегишлилиги бўйича юридик шахс номи, СТИР рақами, улуш (акция) миқдори ва қиймати, муассоси (иштирокчи, акциядор), уларнинг СТИР рақами тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизимига киритилади:

а) юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганда;

б) юридик шахснинг таъсис ҳўжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганда (акциядорлик жамиятларида акциядор, акциялар сони ҳамда номинал қиймати ўзгарганда);

в) юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига юридик шахс тугатилганлиги ёки қайта ташкил этилганлиги (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш), юридик шахснинг фаолияти тўхтатилганлиги тўғрисидаги ёзувлар киритилганда;

г) рўйхатдан ўтказувчи органдан юридик шахс томонидан молия-ҳўжалик фаолияти амалга оширилмаётганлиги ёки қонун ҳўжатларида белгиланган мuddатларда устав жамгармасининг шакллантирилмаганлиги, шунингдек, унинг ихтиёрий тугатиш

жараёнидалиги ёки тугатиш жараёнининг тўхтатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар олинганда;

д) юридик шахснинг жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганда;

е) юридик шахснинг идоравий мансублиги ўзгарганда.

«Давергеодезкадастр» давлат қўмитаси объектнинг кадастр рақами, қиймати, умумий ер майдони (кв.м), фойдала майдони (кв.м), ҳуқуқ турлари ўзгарганда маълумотлар киритади.

5. Давлат мулки объектларининг ҳисобини юритиш ушбу Низомда иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

6. Ҳисоб давлат мулки маълумотлари базасини ўзида жамловчи амалий дастурий восита ёрдамида ахборот тизимига келтирилган тартиб ва шакллар асосида юритилади.

7. Давлат ташкилотлари томонидан ҳисоб объектларининг жорий ҳўлати тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизимига ҳар чоракда бир мартаба, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай киритиб борилади.

3-БОБ. ҲИСОБ ОБЪЕКТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ АХБОРОТ ТИЗИМИГА КИРИТИШ ТАРТИБИ

8. Давлат ташкилотлари томонидан ҳисоб объектлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш вазифалари қуйидагича: ҳар бир ҳисоб объектлари бўйича зарур ахборотни ахборот тизимига киритиш;

ушбу Низомнинг 7-бандига мувофиқ ҳисоб объектлари ҳақидаги маълумотларни даврий равишда киритиб бориш.

9. Давлат ташкилотлари томонидан ахборот тизимига ўзига бириктирилган ҳисоб объектлари бўйича қуйидаги маълумотлар (ҳар бирини алоҳида шаклда) киритиб борилади:

а) давлат кўчмас мулки объектлари бўйича: объектнинг номи ва жойлашган ери (шу жумладан, қурилиш тугалланмаган объектлар ва автомобиль йўллари); объектнинг кадастр рақами;

объект тегишли бўлган юридик шахс (СТИР рақами) ва уларнинг қўри ташкилоти (агар мавжуд бўлса); объектнинг баланс (қолдиқ) қиймати; объектнинг умумий ер майдони (кв.м); объектнинг қурилш ости майдони (кв.м); объектнинг фойдала майдони (кв.м); объекта бўлган ҳуқуқ тури; объектнинг жорий ҳўлати (фойдаланишда, бўш, ижара) ва фотосуратлари;

объектнинг самарали фойдаланиш бўйича ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилганлиги (қарор рақами, санаси ва мазмуни);
б) автоматотранспорт воситалари бўйича: автоматотранспорт воситаси номи; автоматотранспорт воситаси давлат рақами; автоматотранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили; автоматотранспорт воситасининг жорий ҳўлати, техник паспорт рақами ва фотосуратлари;

автоматотранспорт воситасининг баланс (қолдиқ) қиймати; в) давлат иштирокидаги ташкилотлар бўйича:

давлат иштирокидаги ташкилотлар (давлат ташкилотлари, ҳўжалик жамиятлари, унитар корхоналар, шуъба корхоналари) номи ва унинг СТИР рақами;

давлат улуш (акция) миқдори ва қиймати (минг сўм); улав фонди миқдори (минг сўм);

г) интеллектуал мулк объектлари: давлат ташкилотларининг товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва уларнинг рўйхатдан ўтган санаси, рақами ва амал қилиш мuddати.

10. Давлат мулкидан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида фойдаланиб келаётган юридик шахслар ушбу Низомнинг 7-бандда белгиланган мuddатларда ҳамда 9-бандига мувофиқ уларга давлат мулки сифатида фойдаланиш учун бириктирилган ҳисоб объектлари тўғрисидаги маълумотлари ахборот тизимига киритиб боради.

11. Давлат мулкидаги харбий ва махсус мақсадлардаги объектлар, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган объектлар ҳамда гидро-техника иншоотлари объектларининг ҳисоби юритилмайди.

12. Ахборот тизимига киритилаётган маълумотлар Агентлик-

нинг худудий бошқармалари томонидан даврий равишда кузатиб борилади.

13. Давлат ташкилоти, шунингдек, давлат мулкидан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида фойдаланиб келаётган юридик шахслар томонидан ҳисоб объеклари тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизимига белгиланган муддатларда киритилмаганлиги ёки тўлиқ киритилмаганлиги аниқланган тақдирда, Агентлик ва унинг худудий бошқармалари томонидан икки кун ичида тегишли давлат ташкилоти шунингдек, давлат мулкидан фойдаланиб келаётган ташкилотларга ҳисоб объеклари тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига киритиш бўйича тақдимнома юборилади.

14. Давлат ташкилоти ёхуд давлат мулкидан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида фойдаланиб келаётган ташкилот тақдимнома келиб тушган санадан бошлаб беш кун муддатда мавжуд камчиликларни бартараф этган ҳолда, ахборот тизимидаги маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаши шарт.

4-БОБ. ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎЗ ФОЙДАЛАНИШИДА БЎЛГАН ДАВЛАТ МУЛКЛАРИНИНГ ХИСОБИНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА МАСЪУЛИЯТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

15. Агентлик ва унинг худудий бошқармалари ҳеч қандай тўловларсиз электрон рақамли имзоси орқали ташкилотларга ахборот тизимидаги ҳисоб объеклари тўғрисидаги маълумотларни тўдириш имкониятини яратади.

16. Ҳисоб объеклари ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилган тақдирда (сотил, устав фондида бериш, давлат-хусусий шерикликка бериш, бошқа давлат ташкилотига бериш, бузиш ва бошқалар), тегишли давлат ташкилоти томонидан объект ҳақидаги маълумотлар асослари билан биргаликда ахборот тизимиغا киритилади.

17. Ахборот тизимида маълумотларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли тарзда киритилишига ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилиниши ҳамда давлат мулкларига зарар етказилганлиги,

ноқонуний беғоналаштирилганлиги учун давлат ташкилоти раҳбарияти ҳамда уларнинг юқори турувчи органлари, шунингдек, давлат мулкидан фойдаланиб келаётган ташкилотларнинг мансабдор шахслари шахсан масъул ҳисобланадилар.

18. Агар Агентлик ва унинг тегишли худудий бошқармаси тақдимнома юборгандан сўнгра давлат ташкилоти, шунингдек, давлат мулкидан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида фойдаланиб келаётган ташкилотлар томонидан ахборот тизимидаги тегишли ҳисоб объеклари тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқлиги таъминланмаган тақдирда, ушбу давлат ташкилотлари мансабдор шахсларига, шунингдек, давлат мулкидан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида фойдаланиб келаётган юридик шахслар раҳбарларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўрилади.

5-БОБ. ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН КИРИТИЛГАН МАЪЛУМОТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

19. Агентликнинг худудий бошқармалари томонидан жойига чиққан ҳолда, ҳисоб объекларининг ҳақиқатда тўғри киритилганини ўрганиши мумкин.

20. Урганиш жараёнида киритилган маълумотлар тўлиқ таҳлил қилинади ва аниқланган фойдаланилмасдан бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш юзасидан мазкур объект тегишли давлат ташкилотларидан таклифлар (сотил, устав фондида бериш, давлат-хусусий шерикликка бериш, бузиш ва бошқалар) олинади.

21. Ишлаб чиқилган таклифлар белгиланган тартибда ҳисоб объеклари тегишли бўлган ташкилотнинг юқори турувчи ташкилотлари билан келишилади (агар мавжуд бўлса).

6-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

22. Ушбу Низом қоидалари қўлланиши билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРИНИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ ТЎЛОВЧИЛАРИ СИФАТИДА МАХСУС РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди,
рўйхат рақами 3232

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Солиқ тўловчиларини қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомиловага мувофиқ тасдиқлансин.


2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Тошкент ш.,
2020 йил 31 март
2020-11-сон.

Раис
Б.МУСАЕВ.

*Ушбу қарор қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.05.2020 йилдан кучга кирди.

РЕКЛАМА



Ўзбекистон
Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

ВАКИЛЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

? Туристтик фирма туристик фаолият юритиш учун лицензияга эга. Хусусий турларни амалга оширишда 4%лик ставка бўйича айланмадан олинган солиқни тўлаймиз. Бошқа туристик фирма билан ҳақ эвазига уларнинг туристик маҳсулотини сотишга вакиллик шартномасини туздик.

Вакиллик шартномаси воситачилик шартномаси жумласига киритилди-ми? У бўйича олинган даромадга қандай ставкада айланмадан олинган солиқ солинади?

– Вакиллик шартномаси воситачилик шартномасининг шакли бўлиб, топширик ва воситачилик шартномаларининг элементини ўз ичига олади (ФК 817, 832-м.). Вакиллик шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топширик берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан ёки ўз номидан ва топширик

берувчининг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади.

Воситачилик, шунингдек вакиллик хизматларини кўрсатишга доир шартномалар бўйича даромадлар олинганда айланмадан олинган солиқ 25%лик ставка бўйича тўланади (СК 467-м. 5-б.).

МЧЖ УСТАВ ФОНДИНИ СОФ АКТИВЛАР ҚИЙМАТИГАЧА КАМАЙТИРИШ

? Умумбелгиланган солиқлар тўлайдиган МЧЖ ўз устав фондини соф активлар қийматиغاча камайтирди.

Бундай камайтириш бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади?

Банкда қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

1. Агар иккинчи ва ҳар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин МЧЖ соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам бўлиб қолса, жамият ўз устав фондини ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган микдоргача камайтириши шарт («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун, 19-м. 4-қ.).

МЧЖ устав фондини унинг соф активлари қийматиغاча камайтириш куйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали акс эттирилади:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Устав фонди соф активлар қийматиغاча камайтирилди	8330-«Пай ва уллушлар»	6640-«Улуш қийматини камайтиришда таъсисчиларга бўлган қарзлар»
	6640-«Улуш қийматини камайтиришда таъсисчиларга бўлган қарзлар»	8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)»

Таъсисчилар улушининг номинал қийматини камайтириши акс эттириш мақсадида 6600-ҳисобварақлар гуруҳида 6640-«Улуш қийматини камайтиришда таъсисчиларга бўлган қарзлар» қўшимча ҳисобварағи очиши мумкин.

2. МЧЖ устав фондини унинг барча таъсисчилари улушининг номинал қийматини камайтириш ва ўтган йилларнинг зарарларини қоплаш йўли билан камайтириш жамият ёки унинг таъсисчилари томонидан даромад олинишига олиб келмайди. Шу сабабли ушбу ҳолат ҳеч қандай солиқ оқибатларига олиб келмайди.



АМОРТИЗАЦИЯ: ҲИСОБЛАШДАГИ ХАТОЛАРНИ ТУЗАТАМИЗ

? Жамият (МЧЖ) НМА (товар белгиси) харид қилган. Аввалбосидан 10 йиллик фойдаланиш муддати кўрсатилган ҳолда кириш қилинган. Бироқ гувоҳномага мувофиқ товар белгиси 5 йилга тақдим этилган. Тегишинча, ўтган йиллар учун 10 йилни ҳисобга олган ҳолда амортизация ҳисобланган, аслида 5 йил учун ҳисобланиши керак эди. Амортизация ҳисоблашнинг тўғри чизиқли усули қўлланилган. НМАга амортизация нотўғри усулда ҳисобланганлиги оқибатида йўл қўйилган хатолик қандай тузатилади?

– НМА фойдаланиш муддати 5 йил ўрнига 10 йил этиб белгиланганлиги натижасида НМА амортизацияси харажатлари камайтирилмаган. Харажатлар суммасини қўшимча ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш лозим.

Ўтган даврлар учун бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботларни тузишда йўл қўйилган хатоликлар улар аниқланган йилда тузатилади. Тузатишлар суммаси ҳисобот давридаги (сизнинг ҳолатда – 2020 йил) соф даромадга ёки зарарга киритилади. Жорий ҳамда ўтган йилдаги ҳисобот маълумотлари уларни бузиб кўрсатишлар аниқланган ҳисобот даври учун молиявий ҳисоботда тузатилади. Ўтган давр учун молиявий ҳисоботни қайта топшириш талаб этилмайди (АВ томонидан 27.08.1998 йилда 484-сон билан рўйхатдан ўтказилган БҲМСнинг 16-банди).

Барча тузатиш ёзувларини киритиш учун бухгалтерия маълумотномаси асос ҳисобланади. Унда тузатиш киритиш сабаблари, йўл қўйилган хатоликлар оқибатлари, тузатилиши лозим бўлган счётлар кўрсатилиши лозим.

Ўтган даврлардаги хатоликларни тузатиш бўйича тўғри бухгалтерия провдқаларини амалга оширишда хатоликлар корхона учун муҳим ёки муҳим эмаслигини аниқлаш лозим. Хатоликларнинг муҳимлик мезони корхонанинг ҳисоб сисъатида белгиланади.

Ўтган даврда йўл қўйилган фундаментал (муҳим) хатоликларни тузатиш суммаси молиявий ҳисоботда йил бошидаги тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш орқали акс эттирилади (АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон

билан рўйхатдан ўтказилган Қоидаларнинг 15-банди). Шунингдек активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталнинг бошқа моддаларига тегишли тузатишлар киритилади. Сизнинг ҳолатда муҳим хатоликка йўл қўйилган бўлса, куйидаги бухгалтерия провдқаси амалга оширилади:

8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)» счёти дебети 0520-«Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси» счёти кредити.

Муҳим бўлмаган хатолик жорий, яъни улар аниқланган даврдаги молиявий натижаларга киритилади. Муҳим бўлмаган хатоликларни тузатиш бошқа даромадларни (9340-«Ўтган йиллар фойдалари») ва бошқа операция харажатларни (9430-«Бошқа операция харажатлар») ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияда акс эттирилади. Сизнинг ҳолатда хатолик суммаси муҳим бўлмаса, куйидаги бухгалтерия провдқалари берилди:

9430-«Бошқа операция харажатлар» счёти дебети

0520-«Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси» счёти кредити.

НМА амортизацияси нотўғри ҳисобланиши солиқлар суммасига таъсир кўрсатган бўлса, қайта ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хатолик оқибатида ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар қайта ҳисобланиши лозим. Тегишли даврлардаги солиқ ставкалари ва солиқ солиш тартиби қўлланилади. Шунингдек улар бўйича аниқлаштирилган ҳисоб-китоблар тақдим этилиши лозим.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

КОРХОНА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИНИ

Хўжалик фаолияти қисқараётган ҳозирги шароитларда харажатларини молиялаштириш учун маблағ етишмаслиги оқибатида кўплаб корхоналар қийин аҳволда қолмоқда. Бундай мураккаб вазиятларда ҳамкор ташкилотларнинг ёрдамидан фойдаланиш мумкин.

Ҳамкор ташкилотлар томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган ёрдамга куйидаги вариантларни келтирса бўлади:

- қарзлар бериш;
- устав фондига қўшимча улушлар қўшиш;
- беғараз молиявий ёрдам.

ҚАРЗЛАР

Қарзлар, яъни қайтариш шarti билан маблағларни бериш – айланма маблағларни тўлдиришнинг кенг тарқалган шаклларида бири ҳисобланади. Улар:

- фоизсиз қарзлар, яъни муайян вақт ўтгандан кейин қарз суммаси қайтарилади;

• асосий қарзни сўндириш ва белгиланган ставка бўйича фоизларни тўлаш мажбурияти билан берилиши мумкин.

Қарзлар ҳам пул шаклида, ҳам материаллар, тайёр маҳсулот ёки товар (товар қарзи) кўринишида тақдим этилиши мумкин.

Фоизсиз қарзлар

Фоизсиз қарз олиш учун қарз шартномасини тузинг. Унда куйидагиларни кўрсатинг:

- қарз суммаси;
- бериладиган муддат;
- фоизларни тўлаш мажбуриятисиз қарз берилиши шартлари;
- бошқа муҳим шартлар.

МИСОЛ. Фоизсиз қарз олишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш

2020 йил 15 апрелда ҚҚС тўловчи корхона бошқа корхонадан 6 ойга 200 млн сўм миқдорида фоизсиз қарз олди. Шундан: 85 млн сўми – пул маблағлари ва 115 млн сўми ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда материаллар (товарлар) билан берилди.

Корхона товар қарзи бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олиши мумкин, сабаби ҳисобга олиш учун барча шартларга мос келади.

Бухгалтерия ҳисоби:

Операция	Сумма, (млн сўм)	Дебет	Кредит
Ҳисоб-китоб счётига пул кўринишидаги қарз келиб тушиди	85	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»
Товар қарзи бўйича олинган материаллар кирим қилинди	100	1010-«Хом ашё ва материаллар»	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»
Олинган материаллар бўйича ҚҚС суммаси акс эттирилди	15	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»
Пул кўринишидаги қарз сўндирилди	85	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Товар қарзини сўндириш учун материаллар берилди	115	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Берилган материаллар қиймати ҳисобдан чиқарилди	100	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	1010-«Хом ашё ва материаллар»
Берилдиган материаллар қийматига ҚҚС ҳисобланди	15	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Фоизли қарзлар

Фоизларни тўлаш мажбурияти билан қарз олиш учун қарз шартномасини тузинг, унда куйидагиларни кўрсатинг:

- қарз суммаси;
- берилдиган муддат;
- фоиз ставкаси ва фоизларни ҳисоблаш тартиби;
- бошқа муҳим шартлар.



МИСОЛ. Фоизли қарз олишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш
2020 йил 15 апрелда ҚҚС тўловчи корхона тижорат ташкилотидан 6 ойга йиллик 15% билан 200 млн сўм миқдорида қарз олди. Шундан: 85 млн сўми – пул маблағлари ва 115 млн сўми ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда материаллар (товарлар) билан берилди.

Корхона товар қарзи бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олиши мумкин, сабаби ҳисобга олиш учун барча шартларга мос келади.

2020 йил 15 октябрда қарз сўндирилди. Шартномага мувофиқ пул маблағлари ҳисоб-китоб счётига ва (ёки) ҳисобварақ-фактура бўйича товарлар келиб тушган пайтдан бошлаб фоизлар ҳисобланади. Қарз қайтариладиган кунни фоизлар ҳисоблангани тўхтатилади, ушбу кун учун фоизлар ҳисобланмайди. Жами фоиз суммаси қарз қайтариладиган кунда сўндирилади.

Фоизлар куйидагича ҳисобланди: 15 млн сўм (200 x 15% x 183 : 366), бунда 183 – қарздан фойдаланилган кунлар (ойлар бўйича: апрель – 16 кун, май – 31, июнь – 30, июль – 31, август – 31, сентябрь – 30, октябрь – 14 кун).

Ҳисобланган фоизлар тўлов манбаида солиқ ушлаб қолинмасдан қарз берувчига ҳисоблаб ўтказилади, чунки фоизларни олувчида уларга солиқ солинади.

Бухгалтерия ҳисоби:

Операция	Сумма, (млн сўм)	Дебет	Кредит
Пул кўринишидаги қарз суммаси ҳисоб-китоб счётига келиб тушиди	85	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»
Товар қарзи шартномаси бўйича олинган материаллар кирим қилинди	100	1010-«Хом ашё ва материаллар»	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»
Олинган материаллар бўйича ҚҚС суммаси акс эттирилди	15	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»
Қарз бўйича фоизлар ҳисобланди (ҳар бир ой ёки чорак охирида ҳисобланади, октябрь ойи учун фоизлар эса 15.10.2020 йилда ҳисобланади)	15	9530-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар»	6920-«Ҳисобланган фоизлар»
Пул кўринишидаги қарз сўндирилди	85	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Товар қарзини сўндириш ҳисобига материаллар берилди	115	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Берилган материаллар қиймати ҳисобдан чиқарилди	100	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	1010-«Хом ашё ва материаллар»
Берилган материаллар қийматига ҚҚС ҳисобланди	15	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Қарз бўйича фоизлар тўланди	15	6920-«Ҳисобланган фоизлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Солиқ оқибатлари

Қарз шартномаси бўйича олинган маблағлар даромадлар сифатида ҳисобга олинмайди, уларга фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ солинмайди (СК 304-м. 16-б., 463-м. 1-қ.).

ҚҚСни тўловчи бўлсангиз ва ҚҚС тўловчидан товар қарзи олсангиз, ҚҚСни ҳисобга олиш учун барча шартларга риоя қилган ҳолда қарз берувчининг ҳисобварақ-фактурасида кўрсатилган ҚҚС суммаси-

ҚАНДАЙ ТЎЛДИРИШ МУМКИН

ни ҳисобга олишингиз мумкин (СК 266–268-моддалар).

Товар қарзи шартномаси бўйича мулк ҳуқуқининг берилиши товарларни реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланганлиги сабабли товар қарзини қайтаришда ҚҚСни

ҳисобга олган ҳолда ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиринг (СК 239-м. 1-қ. 1-б.).

ҚҚСни тўловчи бўлмасангиз, қарз берувчининг ҳисобварақ-фактурасидаги ҚҚС суммасини ТМЗ таннаригига киритинг.



Таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан кучга киради.

МИСОЛ. УФ кўпайтирилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш 1 та юридик шахс ва 1 нафар жисмоний шахс МЧЖ таъсисчилари ҳисобланади, уларнинг ҳар бирига корхона устав фондининг 50%и тегишли. УФнинг миқдори – 340 млн сўм.

Таъсисчилар учинчи шахснинг ҳиссаси ҳисобига 160 млн сўм миқдоридagi пул маблағлари билан УФни кўпайтиришга қарор қилишди. Қўшимча ҳисса иштирокчиларнинг умумий йиғилиши баённомасида белгиланган муддатда киритилди.

Қўшимча ҳиссани киритиш яқунлари тасдиқлангандан кейин жамият УФ кўпайтирилиши бўйича таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар рўйхатдан ўтказилди.

УФ миқдори кўпайтирилгандан кейин 500 млн сўмни (340 + 160) ташкил этиб, ундаги улушлар энди қуйидаги тарзда тақсимланди:

- 1-таъсисчи – 170 млн сўм, ёки 34%;
- 2-таъсисчи – 170 млн сўм, ёки 34%;
- 3-таъсисчи – 160 млн сўм, ёки 32%.

Бухгалтерия ҳисоби:

Операциянинг номи	Суммаси (млн сўм)	Дебет	Кредит
УФга қўшимча ҳисса киритилди	160	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	6630-«Устав капитални кўпайтириш бўйича муассисларнинг улушлари»
УФнинг кўпайтирилган миқдори рўйхатдан ўтказилди (таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилган санада)	160	4610-«Устав капиталга таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»	8330-«Пай ва улушлар»
Қўшимча ҳисса суммаси ҳисобга олинди	160	6630-«Устав капитални кўпайтириш бўйича муассисларнинг улушлари»	4610-«Устав капиталга таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»

! Фойсиз қарз (қайтариш шарти билан молиявий қўмак) олинганда, қарз олувчида қарз берувчидан олинган пул маблағларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи кўринишидаги даромад юзага келади. У ЎЗР МБ томонидан қарз олиш кунда белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. (СК 299-м. 4-қ.). Бироқ 2020 йил охиригача фойс даромадларини тўлаи мажбуриятларисиз қарз (молиявий ёрдам) олинганда фойда солиги ва айланмадан олинган солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ оқибатлари юзага келмайди (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б. 8-хатбоиши). Солиқ солишдан озод этиш тарзидаги имтиёз 2020 йил 1 апрелдан 31 декабргача амал қилади (31 декабрь ҳам ҳисобга киритилади), шу жумладан – 2020 йил 1 апрелгача олинган қарз маблағларига нисбатан ҳам ушбу имтиёз қўлланилади (МВнинг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сон хатининг 9-б.).

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг резидентига фойзаларни тўлашда тўлов манбаида фойда солиғи ушлаб қолинмайди, балки ушбу даромадларни олувчининг солиқ базасида ҳисобга олинади (СК 344-м. 1-қ.). Яъни фойзаларни олувчида фойзалар тарзидаги даромадларга фойда солиғи ва айланмадан олинган солиқ солинади.

Мазкур норма нотижорат ва бюджет ташкилотларига (СК 344-м. 2-қ.), Ўзбекистон норезидентлари, шунинг-

дек жисмоний шахсларга фойзалар тўланганда татбиқ этилмайди (СК 387-м. 1-қ. 3-б.). Мазкур ҳолатларда фойзаларга тўлов манбаида солиқ солинади.



УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ

Масъулияти чекланган жамиятнинг (МЧЖ) УФ ҳам унинг таъсисчиларининг, ҳам учинчи шахсларнинг қўшимча ҳиссалари ҳисобига кўпайтирилиши мумкин. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қуйидагиларнинг аризалари асосида унинг устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин:

- жамият иштирокчиси (иштирок-

чилари)нинг қўшимча ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси;

- агар бу жамиятнинг таъсис ҳужжатларида тақиқланган бўлмаса, учинчи шахснинг уни жамиятга қабул қилиш ва ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 18-м.).



УФ тўлиқ тўлангандан, яъни таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда тўлиқ шакллантирилгандан кейин уни кўпайтириш мумкин.

УФни кўпайтириш учун:
1) МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказинг, унинг яқунлари бўйича баённома тузинг. Унда қуйидагиларни кўрсатинг:

- қўшимча ҳиссаларнинг умумий киймати;
- жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси ёки учинчи шахснинг қўшимча ҳиссаси миқдори;
- ҳиссаларни тўлиқ киритиш муддати.

2) таъсисчилар қароридан белгиланган муддат давомида таъсисчилар УФга қўшимча ҳиссаларни киритадилар;

3) қўшимча ҳиссаларни қўшишнинг муддати тугаган кундан эътиборан 1 ойдан кечиктирмай жамият иштирокчиларининг умумий йиғи-

лишини ўтказинг, унда қуйидагилар тўғрисида қарор қабул қилинг:

- УФга қўшимча ҳиссалар яқунларини тасдиқлаш ҳақида;
- УФ миқдори кўпайиши билан боғлиқ ўзгартишларни таъсис ҳужжатларига киритиш тўғрисида;
- 4) таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида тасдиқланган кундан эътиборан 30 кун давомида рўйхатдан ўтказувчи органга зарур ҳужжатларни тақдим этинг (Низом, ВМнинг 09.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова);

5) таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин УФнинг кўпайишини 8330-счётда «Пай ва улушлар»да акс эттиринг.

Солиқ оқибатлари

УФга олинган ҳиссалар қуйидагилар бўйича даромад сифатида инобатга олинмайди:

- фойда солиғи (СК 304-м. 1-б.);
- айланмадан олинган солиқ (СК 463-м. 1-қ.).

Агар сиз – ҚҚС тўловчи бўлиб, асосий восита, материаллар, товарлар ёки бошқа мол-мулк тарзида ҚҚС тўловчидан қўшимча ҳисса олган бўлсангиз, ҚҚСни ҳисобга олиш учун

барча шартларга риоя қилинган тақдирда таъсисчиларнинг ҳисобварақ-фактурасида кўрсатилган ҚҚС суммасини ҳисобга олишингиз мумкин (СК 266-268-моддалари).

Агар сиз ҚҚС тўловчи ҳисобланмасангиз, таъсисчиларнинг ҳисобварақ-фактурасидаги ҚҚС суммасини олинган мол-мулкнинг бошланғич қийматига (таннархига) киритинг.

Агар УФнинг кўпайтирилиши рўй бермаган бўлса

УФнинг кўпайтирилиши рўй бермаган деб тан олинган ҳолатда жамият қўшимча ҳиссаларни қайтариб бериши даркор:

- пул ҳиссаларини – 10 кун давомида;
- пулсиз ҳиссаларни – 3 ой давомида.

Пул ҳиссалари ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда жамият ҳисса киритувчиларга ўзгаларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фойз тўлаши шарт (ФК 327-м.);

Пулсиз ҳиссалар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда жамият бой берилган фойдани қоплаши керак (Қонуннинг 18-м. 10-қ.).

УФга олинган ҳиссалар жамиятнинг даромади ҳисобланмайди (СК 304-м. 1-б.). Бироқ, УФ кўпайтирилиши рўйхатдан ўтказилмаган, шу боис солиқ органлари олинган сум-

маларни фойсиз қарз деб эътироф этишлари хатари мавжуд.

Агар таъсисчиларнинг қарорига биноан киритилган маблағлар (воситалар) корхонада қолса, уларни қуйидаги тарзда акс эттиринг:

- пул маблағлари билан киритилган тақдирда текин қайтарилмайди-ган молиявий ёрдам (9380-счёт) сифатида;
- бошқа мол-мулк билан киритилган тақдирда текинга олинган мулк (8530-счёт) сифатида.

Пул маблағлари суммасини ва (ёки) мол-мулкнинг қийматини фойда солиғи ёки айланмадан олинган солиқни ҳисоблаб чиқаришда жамият даромадга киритинг (СК 297-м. 3-қ. 10-б., 463-м. 1-қ.).

Олег ЦОЙ,
«Norma» МЧЖ эксперти

✓ КОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ТЕМИР ЙЎЛ ЙЎЛОВЧИСИ 1,5 ДАҚИҚАДА БОЖХОНА НАЗОРАТИДАН ЎТКАЗИЛАДИ

Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви қўшма қарори билан Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкани, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди (АВ томонидан 2.05.2020 йилда 3233-сон билан рўйхатдан ўтказилган, ҳужжат матни «СБХ»нинг мазкур сони ҳужжатлар пакетидида чоп этилмоқда).

Жисмоний шахслар қўл юкида ва кузатиб борилаётган багажида нотижорат мақсадларда товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтаётганда бир вақтнинг ўзиде товарларни тақдим этган ҳолда декларациялайди.

Қиймати ёки миқдори Божхона тўловларига тортилмайдиган республикага жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган товарларнинг айрим турлари нормаларидан (Президентнинг 6.02.2018 йилдаги ПҚ-3512-сон қарори билан тасдиқланган) ортиқ бўлган товарларнинг шу қисмига нисбатан божхона тўловлари солинади.

Жўнаб кетаётган ва кириб келаётган йўловчилар, уларнинг қўл юки, багажи, валюта ва валюта қимматликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш, одатда, белгиланган тартибда ўтказиш пунктлари хоналарида (қўриқдан ўтказиш залларида), шунингдек белгиланган ҳолларда – поездларда уларнинг тўхтаб туриш вақтида амалга оширилади.

Багажнинг божхона расмийлаштируви темир йўл вокзаллари, станциялари юк багажи бўлима-ларининг белгиланган жойларида ва божхона органи томонидан белгиланадиган бошқа жойларда амалга оширилади.

Низомда барча турдаги божхона кўздан кечируви ва божхона кўриги учун вақт меъёрлари белгиланган, хусусан битта йўловчининг қўл юки, багажи, валюта ва валюта

қимматликларининг божхона кўриги, божхона кўздан кечируви ҳамда йўловчи божхона декларациясини расмийлаштириш 1,5 дақиқа ичида, йўловчини шахсий кўриқдан ўтказиш зарурат бўлганда 30 дақиқа ичида амалга оширилади.

Йўловчиларнинг, шунингдек поезд бригадаси аъзоларининг қўл юкани, багажини, валютасини ва валюта бойликларини расмийлаштириш белгиланган шаклда 2 нусхада божхона декларациясини расмийлаштирган ҳолда, божхона расмийлаштируви жойларида амалга оширилади.

Йўловчи ташиш поездида қўл юки ва багаж ташишининг алоҳида қоидалари белгиланди. Хусусан, қўл юкани йўловчилар учун мўлжалланган жойларга, шунингдек ўтирғичлар ўртасидаги ўтиш жойлари, йўлаклар, вагон майдончалари (тамбурлар)га жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Темир йўл раҳбарияти бир вақтнинг ўзиде битта темир йўл станциясига икки ва ундан ортиқ поезд таркибининг кириб келиши ёки чиқиш кетишини истисно қиладиган йўловчи ташиш поездларининг ҳаракат жадвали ишлаб чиқилишини таъминлаши шарт.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.05.2020 йилдан қучга кирган.

Лола АБДУАЗИМОВА.

✓ ЖОЙЛАРДАН ХАБАРЛАР

Карантин даврида иқтисодий тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришга доир бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Шу чоралар самараси ўлароқ корхоналарнинг экспорт салоҳияти сақлаб келинмоқда.

СИРДАРЁ ЭКСПОРТЧИЛАРИ

Карантин шароитида фаолият кўрсатаётган «Wellfort» МЧЖ Сирдарё вилоятидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳисобланади. Корхона ўз фаолиятини 2017 йилда бошлаган бўлиб, трикотаж товарлари ишлаб чиқаради. Корхонанинги йиллик товар айланмаси ҳажми 5,3 млн АҚШ долларидан ортади. Маҳсулотларнинг асосий қисми



Россия, Беларусь, Туркия, Италия ҳамда Нидерландия давлатларига экспорт қилинади. Бугунги кунда корхонада 1 000 нафарга яқин ишчи карантин қоидаларига амал қилган ҳолда фаолият юритиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1,5 млн АҚШ долларлик товарлар экспорт қилинган.

Коронавирус пандемияси шароитида аҳолининг бирламчи эҳтиёждаги озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан ун билан таъминланиши муҳимдир. Янгигер шаҳридаги «Intergrain» МЧЖ ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириб келади. Корхона томонидан бир суткада ўртача 245 тонна ун ишлаб чиқарилади. Ўтган давр мобайнида 576,1 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

– Корхонамиз Янгигер шаҳридаги эркин иқтисодий саноат зонасида жойлашган, – дейди МЧЖ ун бошқарувчиси Нурилхак Акбарий. – Ҳозирда 150 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Корхонамизда ходимларнинг саломатлиги ва хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса карантин даврида қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилиш ҳаммамиздан катта масъулиятни талаб қилмоқда.

Вилоятдаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бир неча ўнлаб корхоналарнинг фаолияти ҳам давом эттирилмоқда. Масалан, Янгигер шаҳридаги «Sulpak computers» МЧЖда замонавий техникалар ёрдамида МДФ, ламинат ҳамда акрил каби 50 хилдан ортиқ сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 30 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қиладиган корхонада ўтган давр мобайнида 64,8 минг АҚШ доллари қийматидаги товарлар экспорт қилинган.

Ўсимлик ёғи ҳам бирламчи истеъмол товарларидан ҳисобланади. Сирдарё туманидаги «Бахт мой инвест» хусусий корхонасида бугунги кунда 80 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қиладди, бу ерда суткасига қарийб 12 тонна ёғ ишлаб чиқарилади ва ички бозорда сотилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган омилкорона иқтисодий сиёсат туфайли ишлаб чиқариш корхоналари тўла қувват билан фаолият юритиб келмоқда, шу билан бирга аҳолининг бандлиги, саломатлиги ва хавфсизлиги таъминланмоқда.

Сирдарё вилояти божхона ва солиқ бошқармалари Ахборот хизматлари.

✓ ДАВР НАФАСИ

ТОМОРҚАЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИЛМОҚДА

Бугунги синовли кунларда юртимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш билан бир қаторда халқни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, пандемиянинг мамлакат иқтисодиётига етказадиган зарарини юмшатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан республикамизда деҳқончилик ва фермер хўжаликларига экин-тикин ишлари санитария-эпидемиологик қоидаларга риоя этган ҳолда давом эттирилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Шу йилнинг эрта баҳоридеяқ божхона хизмати ходимларига томорқадан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, оила бюджетининг қўшимча даромад манбаи сифатида томорқачиликдан фойдаланиш имконияти

лари тушунтириб борилмоқда. Шунинг амалий натижаси сифатида 518,8 сотих ер майдонига ҳар хил турдаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда мевали дарахтлар экилганини айтиш мумкин. Келгусида мазкур маҳсулотларни вилоят божхона бошқармаси ва божхона постларидаги ошхоналарга олиб келиниши режалаштирилган.

«Сирдарё» чегара божхона пости ва бошқарма тасарруфидеяги 2 та хизмат уйида ходимлар ташаббуси билан ташкил қилинган 3 та ихчам товухонада тухум ҳамда масъул ходимнинг яшаш



хонадонига жойлаштирилган қорамолдан сут ва сут маҳсулотлари олиниб, ходимларнинг кунлик озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда.

Айни пайтда бошқарма томонидан ушбу йўналишлардаги тадбирлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Бекзод ЧЎЛИЕВ,
Сирдарё вилояти божхона бошқармаси
Кадрлар бўлими катта инспектори.

ТИЛ – ДИЛ КЎЗГУСИ

ЮКСАК МИНБАРЛАРДАН ЯНГРАБ ТУР, ТИЛИМ

- «Таможня» сўзи ўзбекчами?
- Навоий, Пушкин ва Сервантесларнинг луғат бойлиги
- Тил қадрини билмаслик – кечирилмас жиноят

Ўз она тилини эъзозлаш, севиш ватанпарварлик ва миллатпарварликнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, унинг замирида ўзликни англаш, яъни ота-она, халқ, устозлар берган илм-тарбия ва тилга хурмат ётади.

Ватанпарварлик ва миллатпарварликни баландпарвоз гаплар, гурур ёки ютуқларни олқишлаш билан исботлаш керак эмас. Балки, она тилини бошқа тилларнинг ўринида таъсирдан муҳофаза қилиш, истилоҳларни ўзбекчалаштириш, нутқда андишали сўзларни ишлатиш, мавжуд хато-камчиликларни бартараф қилишга ҳисса қўшиш керак. Ҳар бир фуқаро ўз давлат тилида мулоқот қилишни, иш юритишни миллатга хурмат, аждодларимизга эҳтиром, келажакка умид, керак бўлса, муқаддас ибодат ўрнида қабул қилиши билан исботлаши муҳим.

Ташқи савдо алоқалари, халқларнинг илм-фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳалардаги ўзаро муносабатларида тиллар тутшиб, тиллар ранг-баранглиги таъминланади ва улар бир-бирини бойитиб боради. Лотин, юнон, араб ва миср, инглиз, форс, санскрит, шумер, славян (рус), туркий (ўзбек) тиллардан умумжаҳон тиллари ва минг-миглаб сўзлар, истилоҳлар кирди. Умумжаҳон тилларининг қиммати орттишига улуг аждодларимиз Махмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Замаҳшарий, Амир Темур, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Навоий, Бобур каби кўп сонли борборларимизнинг бекиёс ҳиссалари бор. Ҳарбий, божхона (*таможня* – *тамга сўзидан келиб чиққан*) ва дипломатия соҳаларида қўлланилаётган кўп халқаро истилоҳларнинг Амир Темур билан, тиббиёт (*медицина*)нинг Ибн Сино, алгебра, алгоритмнинг Ал-Хоразмий номи билан боғлиқлиги қувонарлидир.

Ўзбек тили бир тўлиб, бир нуқсонга учраб, қардош ва мустамлақачи халқлардан сўз кириб келиши натижасида луғатимиз бойиди ва аксинча, давр тақозоси билан кўп сонли қадимий сўзларимиз истеъмолдан чиқиб кетди.

Ўзбек тили тарихига кўра дунёнинг энг бой тилларидан ҳисобланган. Алишер Навоий ўз асарларида 28 мингдан ортиқ сўз ишлатган бўлса, рус шоири Пушкин асарларида 25 мингта, инглиз ёзувчиси Шекспир 22 мингта, испан ёзувчиси Сервантес эса бор-йўғи 18 мингта сўз ишлатган.

2013 йилда чоп этилган «Ўзбек тилининг имло луғати»га 75 мингта сўз киритилган. Бу ўзбек луғатчилигининг дунё луғатчилигидан анча орда қолиб кетганлиги, ҳаттоки Навоий яшаган даврига нисбатан пайсанлигини кўрсатади.

Тил қанча бой бўлишига қарамай, агар унинг имкониятларидан, бойлигидан тўлақонли фойдаланилмаса, бу ҳолат тил ва нутқнинг камбағаллашувига олиб келади.

Тарихнинг ундан қадимроқ саҳифаларини варақласак, Амир Темурнинг «Темур тузуклари» ҳам эски ўзбек тилида ёзилганлигига гувоҳ бўламиз. Соҳибқирон ҳукмронлигидаги салтанатда иш юритиш, дипломатик ва сиёсат тили ҳам она тили – эски ўзбек тилида олиб борилганлигига тарихнинг ўзи гувоҳ. Амир Темурнинг ҳарбий юришлари орқали дунёнинг кўп давлатларига халқимизга мансуб маданий қадриятлар, урф-одатлар, туркий адабиётлар, тил ва лаҳжалар кириб борган. Шу ислохотлар туфайли луғавий хазинамиз олтой оиласи тиллари сўзлардан ташқари, араб, форс, юнон, мўғул, рус ва бошқа тилларнинг минглаб сўзлари билан бойиди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари бўлгандан бошлаб тилимизга катта аҳамият бериб келади. Хусусан, давлат раҳбарининг халқаро ташрифлар, халқаро анжуманлар, юқори минбарлардаги чиқишларда, фахрий меҳмон сифатидаги эсдалик битикларида соф ўзбек тилидан фойдаланиши ҳар биримизда ифтихор туйғуларини уйғотди. Бу ўзбек тилининг дунё саҳнасида чиқиши, тўлиқ сиёсий тил даражасига кўтарилишини таъминлади. Маърифатпарвар аллома Алихонтура Соғуний ўз она тили қадрига етмаслик ва унга аҳамият бермасликни ўз она тилидан абадий ажрамоқликка, миллий ҳиссиётларини йўқотишга тенглаштирган ҳамда бу ишни инсоният олами олдида улуг хиёнат, кечирилмас жиноят деб ҳисоблаган.

Бугунги таҳликали замонда ва глобаллашув шароитида она тилини эъзозлаш, унинг хурматини жойига қўйишда Президентимиз барчамизга ўрнак бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари хориздаги элчининг ўзбек тилини билишини мамлакат обрўсини белгилайдиган асосий мезон сифатида эътироф этиб «Ўзбекистоннинг чет элдаги элчиси бўлса-ю, ўзбек тилини билмасе, бу халқимизга хиёнат эмасми?» деган сўзлари давлат тили сиёсатининг қай даражада мустаҳкам эканлигидан далолатдир.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видеоанжуман тарзидаги саммитида юртбошимизнинг нутқи айнан ўзбек тилида баён қи-

линди. «Жўшқин Гужарат» саммити доирасида Ҳиндистонга ташриф давомида ҳам ўзбек тилида нутқ сўзлади. Тошкент шаҳрида Афғонистон муаммоларига бағишланган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги халқаро конференцияда ўзбек тили сиёсат тили сифатида қўлланилди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг халқаро микёсдаги нуфузи кўтарилишига, имижининг яхшилалишига, фаол минтақавий ўйинчи сифатидаги позициясини белгилаб берилишига хизмат қилди.

Давлатимиз раҳбари Туркияга ташриф доирасида Туркия Республикаси Президенти кутубхона мажмуасининг очилиш маросимида қатнашганда Фахрий меҳмонлар китобига кутубхонанинг илк меҳмони сифатида эсдалик битигини ўзбек тилида ёзганлиги ва битикларни телевидение орқали кўрсатилгани фахриятхоримизни ошириб юборди.

Божхона хизмати идоралари фаолиятининг ҳам тил билан боғлиқ ўзига хос, ўта нозик хусусияти шундан иборатки, шахсий таркибнинг барчаси тил билиши, аввало, давлат тилини билишининг юқори кўникмасига эга бўлиши тақозо қилади. Чунки, божхона идораларида оғзаки ва ёзма иш юритиш давлат тилида амалга оширилгани белгилангани билан, чегарада божхона кўриги ва расмийлаштирувидан ўтаётган сайёҳлар, хоржий хамкорлар, бошқа миллатларга мансуб йўловчилар, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари билан мос тилда мулоқот қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабаб, тизимда давлат тили масаласи сиёсат даражасида шахсан кўмига раиснинг ўзи томонидан назорат қилинмоқда. Ходимларни хизматга янгидан қабул қилиш ҳамда Божхона институтига қабул жараёнидан олдин номзодларнинг давлат тилини билиш даражаси ўрганилади. Бу сифат ходимнинг қомиллик даражаси ҳамда етарли тил кўникмасига эгаллик мезонини белгилайди.

Ходимларни қайта тайёрлаш, малякасини ошириш, таълимнинг бакалавр, магистр босқичларида, шу-

Сўзимизни Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Ўзбек тилим» шеърини иқтибос билан якунлашни лозим топдик:

*Сен туганмас чашмадирсан, оҳ, она тилим,
Етмиш икки томиримга мавжларинг борди.
Бир кун тишиб қолган эди боғда булбулим,
– Сандулочим! – деган эдим сайраб юборди.*

Ҳабибулла АЗИЗОВ,
ЎЗР ДБК раисининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси.



? Хитойда Covid-19 коронавирус эпидемияси тарқайдиган кейин «Бошпочтамт» ТИФ божхона постида ХХР ва Гонконгдан келадиган барча посылкаларни қабул қилиш тўхтатилди. Жорий йил март ойининг охирида «Ўзбекистон почтаси» АЖ давлат почта хизмати томонидан почта жўнатмалари учун мазкур таққиб олиб ташланди ҳамда юқорида кўрсатилган мамлакатлардан почта жўнатмаларини олиш қайта тикланди. Бироқ барча учун ҳамда бошқа почта-курьерлик компаниялари учун таққиб ўз кучида қолмоқда. Маълумки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мамлакатлар ўртасида савдо ва товарлар олиб ўтилишига доир ҳеч қандай чекловларни тавсия этаётгани йўқ. Халқаро почта жўнатмалари (ХПЖ) орқали коронавирус инфекцияси юқтириб олишмаслиги боис уларни қабул қилиш хавфсиз бўлиб чиқмоқда. Мамлакатлар ўртасида, шунингдек мамлакатимизга ХПЖ оддий режимда амалга оширилмоқда. ХПЖни почта-курьерлик компаниялари томонидан етказиб бериш имконияти тўғрисида мижозларимиз саволларига қандай тўғри жавобни берсак бўлади?

БАРЧА САНИТАРИЯ НОРМАЛАРИ БАЖАРИЛГАНДА

– Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси мажлисининг 20-баённомаси 8-бандига мувофиқ Махсус комиссия мажлиси 2-баённомасининг 1-бандида белгиланган Хитой Халқ Республикасидан хабарномалар (хатлар, ҳужжатлар) ва почта жўнатмаларини олишга вақтинчалик чекловларни «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва республикада рўйхатдан ўтган курьерлик ташкилотлари учун бекор қилишга доир тақлиф қўллаб-қувватланди.

Бунда ўрнатилган барча санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативларга амал қилиш шарти билан эгаларига почта жўнатмаларини жўнатиш ва қабул қилишга руҳсат этилган.

Жавоб ДБҚ Ахборот хизмати томонидан тайёрланган.

ПОЧТА ҚУТИСИ

БИР НЕЧА УСУЛДА ҲАЛ ЭТИШ

? Товар ИМ40 режимига расмийлаштирилган, лекин унинг учун ҳали ҳақ тўланган эмас. Ҳозир вазиятларимиз ўзгарди. Хорижий ҳамкоримиз товарни бошқа харидорга сотмоқчи. Биринчи БЮДни бекор қилиб, уни бошқа олувчи номига расмийлаштирса бўладими?

Бекор қилиш

Декларант томонидан топширилган божхона декларацияси унинг томонидан қайтариб олиниши мумкин. Бироқ у қабул қилинганидан сўнг қайтариб олиш ва (ёки) бекор қилиш декларант божхона органига мурожаат этганидан кейин амалга оширилади (БК 265-м.).

Божхона расмийлаштируви тугалланганидан ва товарлар муайян божхона режимига жойлаштирилганидан

кейин, БЮД қабул қилинган кундан эътиборан 3 йил ичида у бекор қилиниши мумкин.

Агар божхона органи декларант ёки божхона брокери томонидан кўрсатилган сабабларни асосли деб топса, БЮД товарлар чиқариб юборилгунигача қадар декларант ёки божхона брокери томонидан қайтариб олиниши мумкин (БК 266-м.).

Қайта расмийлаштириш

Бу вазиятда энг оптимал вариант – қўшимча битим билан контрактга тўловчи ва юкни қабул қилиб олувчи сифатида учинчи шахсни киритиш бўлиши мумкин. Ўз навбатида, БЮДнинг икки графасига куйидаги ўзгартиришни киритиш орқали декларацияни қайта расмийлаштириш зарур бўлади: 9-«Молиявий тартибга солиш бўйича жавобгар шахс» ва 28-«Молиявий ва банк маълумотлари».

9-графада юридик шахнинг қисқача номланиши, жойлашган ери (юридик манзили), телефон рақами ва электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса) ёки ташқи савдо конт-

рактини (шартнома, битим) тузган ҳамда мазкур ташқи савдо контракт бўйича ҳисоб-китоблар учун жавобгар бўлган жисмоний шахнинг Ф.И.Ш., яшаш жойи, шунингдек телефон рақами кўрсатилади. 28-графада – божхона тўловларини тўлайдиган шахнинг молиявий ва банк маълумотлари кўрсатилади.

Сизнинг товарингиз 40 режимга расмийлаштирилган. Бу ҳолда, яъни божхона декларацияси қабул қилинганидан сўнг ўзгартириш, қўшимча киритиш, қайта расмийлаштириш декларант божхона органига мурожаат этганидан кейин амалга оширилади (БК 265-м.).

Маълумот учун. Божхона органларининг мансабдор шахслари ўз ташаббуси билан, декларантнинг ёки учинчи шахсларнинг топширишига ёки илтимосига кўра ёзма божхона декларациясини тўлдиришига, божхона декларациясида кўрсатилган маълумотларни ўзгартиришига ёки уларга қўшимча киритишига ҳақиқат эмас. Божхона органларининг ваколатига киритилган маълумотларни божхона декларациясига киритиш, шунингдек, агар машинада шиллов бериш учун фойдаланиладиган кодли маълумотлар божхона декларациясида кодсиз тарзда мавжуд бўлса, кодли маълумотларни ўзгартириш ёки уларга қўшимча киритиш ҳоллари бундан мустасно.

Товарга эгалик қилиш ҳуқуқининг берилиши

Мурожаатингиздан кўриниб турибдики, товар ҳалигача божхона омборида сақланмоқда, сабаби божхона тўловлари тўланган тақдирдагина товар божхона худудидан эркин муомалада турган товар мақоми олади (БК 56-м.), сиз эса уларни тўламагансиз. Олдинги БЮД бекор қилинганидан сўнг товарга эгалик

қилиш ҳуқуқини учинчи шахсга ўтказиш мумкин. Божхона омборида сақланаётган товар билан бундай операцияни амалга ошириш БКнинг 96-моддасида назарда тутилган. Лекин бунинг учун:

• товарга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказувчи ваколатли шахс – божхона органи-



ни олдиндан ёзма шаклда хабардор этиши;

• товарга бўлган ҳуқуқни олувчи ваколатли шахс – ушбу товарга нисбатан танланган божхона режими талаблари ва шартларига риоя этган ҳолда божхона декларациясини божхона органига тақдим этиши лозим.

Ваколатли шахсининг товарга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқи божхона декларацияси божхона органига берилган пайтдан эътиборан бошқа шахсга ўтказилган деб ҳисобланади. БЮД берилган пайтда мазкур шахсда божхона режимига риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар юзага келади. Табиийки, назарда тутилган божхона тўловларини тўлаш бўйича ҳам шундай мажбурият юзага келади.

Товарга эгалик қилиш ҳуқуқини бериш учун божхона омборига уни жойлаштирган шахс бу ҳақда божхона органини олдиндан хабардор қилиши ҳамда қуйидагиларни тақдим этиши керак:

• божхона омборида сақланаётган товар ҳақидаги маълумотларни (номи, миқдори, божхона қиймати, божхона режимига жойлаштириш тўғрисида расмийлаштирилган божхона декларациясининг рақами);

• товарга эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш учун асос бўладиган ҳужжатлар;

• товарга нисбатан мулк ҳуқуқлар ўтаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар (ташқилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда ташкилотнинг номи).

Товарга нисбатан мулк ҳуқуқларини олган шахс шундан кейин уни «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» режимига расмийлаштириши мумкин бўлади.

«Божхона» бўлимини махсус муҳбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

<p>СОЛИК ВА ХАБАРЛАРИ БОЖХОНА</p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0840. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</p> <p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p> <p>Газета нашри – «ТОПРИНТ» М-ДЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табақ. Баҳоли келишилган нарҳда. Бюорига т-515. Адади 640. Газета 2020 йил 18 май соат 15.30 да топширилди.</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалаларини бўйича (71) 200-00-30; «Норма» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламини жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
---	---	--	---